

14 ФЕВРАЛЬ –  
ЗАҲИРИДДИН  
МУҲАММАД БОБУР  
ТАВАЛЛУД  
ТОПГАН КУН

Бори элга яхшилиғ қилғилки,  
мундин яхши йўқ,  
Ким, дегайлар даҳр аро  
қолди фалондин яхшилиғ.



2021-yil  
11-fevral  
payshanba

№ 6 (4492)



О'zbekiston Respublikasi  
Ichki ishlar vazirligi nashri

# Postda На посту

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan

Web-site: [www.postda.uz](http://www.postda.uz)

E-mail: [info@postda.uz](mailto:info@postda.uz)

МАРДЛАР ҚҮРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

## ИИВ ҳарбий тузилмалари: МАҲОРАТНИ ОШИРИШ, ТАЖРИБА АЛМАШИШ

ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари ва Қоровул қўшинлари вазирликнинг ҳарбий тузилмалари ҳисобланади. Нисбатан катта шахсий таркибга эга бўлган бу икки тузилманинг вазифалари ҳам аниқ. Бири халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминласа, бошқаси жазони ижро этиш муассасаларини қўриқлаш билан шуғулланади.

Сўнги йилларда ҳар икки тузилма фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркибнинг жисмоний ва жанговар

салоҳиятини ошириш мақсадида кенг қамровли ислохотлар ўтказилди. Бунга жавобан тузилмалар шахсий таркиби томонидан белгиланган вазифалар шараф билан адо этиб келинмоқда. Бир қанча ютуқларга эришиляпти ҳам.

ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари қўмондонлиги базасида ташкил этилган уч кунлик услубий йиғин машғулотларида бу икки тузилманинг фаолиятига баҳо берилди. Йиғинда қўшинларга тегишли республиканинг барча ҳудудларидаги ҳарбий қисм ва батальонлари командирлари иштирок этди.

(Давоми 7-бетда).





## ОЧИҚ МУЛОҚОТ

## ЭНГ ЯХШИ МОТИВАЦИЯ

Ўсмирлар учун энг яхши мотивация бу уларнинг катталар томонидан қўллаб-қувватланиши, интилишлари, изланишлари, ўз устида ишлашлари учун ёрдам берилишидир. Бугун жамиятимизнинг қайси жабҳасига қараманг, ёшлар учун яратилаётган имкониятлар, қулайликлар эътиборингизни тортади. Ўша лаҳзаларда, «Қанийди, яна ёшлик йилларимга қайтиб қолсам», деб бир энтикиб қўясиз.

Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам ёш ходимлар, таълим муассасаларидаги ёшлар янги марралар сари руҳлантирилиб, ютуқларга эришганлари рағбатлантириб борилмоқда. Яқинда ИИВнинг 1-сонли Тошкент академик лицейида Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, полковник Рустам Хатамов бошчилигида ўтказилган очик мулоқот ҳам фикримизнинг исботидир.

Полковник Р. Хатамов тадбир аввалида лицей устоз-мураббийлари ҳамда ўқувчиларининг эришиб келаётган

ютуқларини санаётган: «Вазирлик академик лицейлари ичида фақатгина шу ердаги устозларнинг 4 нафари давлат мукофотлари билан тақдирланган. Бу жуда катта ютуқ, шу ерда таълим бераётганларнинг меҳнатининг исботидир», дея таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг лицей ўқувчилари вазир ўринбосаридан ахборот технологиялари ҳамда киберхавфсизлик бўйича янада чуқурроқ билим олиш учун имконият яратиб берилишини, дарс жадвалларига «Полигонда бир кун» шиори остида амалий ўқув машғулотлари киритилишини илтимос қилдилар.

Полковник Р. Хатамов уларнинг таклифлари ўринли ҳамда чиндан ҳам айна кезларда жуда муҳимлигини таъкидлаб, уларни амалга оширишга ваъда берди.

Академик лицейидаги дўстона муҳит,



м а л а к а л и ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатлари ўқувчиларнинг соҳага бўлган қизиқишларини янада ошираяпти. «Қалқон» спорт жамоаси, «Сириус» интеллектуал жамоаси ҳамда бир қанча фан тўғараклари болаларнинг бўш вақти самарали ўтишига асосий омил бўлаяпти.

«Очиқ мулоқот» давомида бир гуруҳ аъло баҳоларга ўқийётган, намунали хулққа эга ўқувчиларнинг ота-оналарига миннатдорлик хатлари топширилди.

– Бу туйғу жуда бошқача бўлар экан, – дейди лицей ўқувчиси Мардон Маратовнинг отаси, истеъфодаги майор Раҳмат Шомуродов. – Фар-

зандим касбимни давом эттирмоқчи эканлигини айтганида ҳам бунчалар хурсанд бўлмаган эдим. Ўшанда уни аяб, соҳанинг талаблари, тартиблари қаттиқлигини айтиб, ниятидан қайтармоқчи бўлгандим. Энди эса хотиржамман. Унинг салоҳиятига, қатъиятига ишонаман.

Тадбирнинг якуний қисми эса кутилмаган воқеаларга бой бўлди. Лицей ҳудудида Кинология хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган итлар билан «Антитеррор», «Қўриқлаш», «Қутқариш», «Жиноятчини ушлаш» трюкларини кўрсатиб бердилар. Махсус операцияларни мувофиқлаштирувчи отряд ходимларининг чиқишларини ҳам ҳамма олқишлади. Академик лицей ўқувчиларидан иборат «Қалқон» жамоасининг тайёрлаган саҳна кўринишлари барчага бирдек манзур бўлди.

Гули Нигор АБАЗОВА,  
«Postda» муҳбири.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.  
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.



## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

## ЮРТБОШИМИЗНИНГ ИШОНЧИ БИЗГА КУЧ БЕРДИ

Юртбошимизнинг вилоятимизга бу галги ташрифи меҳнаткаш ва танти Фарғона халқини янги-янги марралар сари руҳлантириб юборди. Айниқса, биз ички ишлар органлари фахрийлари ҳам Президентимизнинг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари, таклифларидан беҳад қувондик.

Президентимиз биз истиқомат қиладиган Риштон туманига келиб, уста кулоллар билан самимий суҳбатлашди, ушбу хунарни ривожлантириш ва кулолларга амалий ёрдам бериш бўйича кўп тақлифларни ўртага ташлади.

Туманимиз нурунийлари ва меҳнат фахрийлари билан ўтказилган мулоқот, айниқса сермазмун кечди. Шу ерда бўлиб ўтган тақдирот жараёнида Юртбошимиз маҳаллабай ишлаш тизими ҳақида гапириб, бу борада Фарғона тажрибасини яратиш керак, дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, маҳалла эзгу қадриятлар бешиги, тарбия ўчоғидир. Маҳаллабай тизими амалиётга

жорий этилса, нафақат одамларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва турмуш даражаси яхшиланади, балки ёшлар тарбияси, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳам яхши натижаларга эришишимиз шубҳасиз.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари билан ўтказилган йиғилишда эндиликда жиноят содир этганларнинг шахси очикланиши кераклигини айтди.

Бу жуда ўринли таклиф бўлди. Сабаби, қинғир йўлга кирган одамлардан айримлари оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка кўрсатилиб турилиши профилактик ишлар таъсирчанлигини оширади, бошқаларни огоҳликка чорлайди, жиноятдан қайтаради.

Бизни энг мамнун қиладиган ҳолат Юртбошимиз Фарғона вилоятига ташрифи давомида ўтказилган мулоқотларда ички ишлар органлари ходимларига нисбатан юсак ишонч билдириб, тизим фаолиятдан миннатдор эканлигини таъкидлаб ўтди.

Бу фикрлар соҳа ходимлари қатори, биз фахрийларни ҳам хурсанд қилди. Чунки жамият ва давлат манфаати, тинчлик-осойишталиги йўлида сидқидилдан қилинаётган хизматнинг давлат раҳбари томонидан эътироф этилиши катта мукофотдир.

Президентимизнинг ишонч ва миннатдорчиликларидан руҳланган ҳолда, биз фарғоналик фахрийлар ҳам ўз олдимизга бир қатор аниқ вазифаларни белгилаб олдик. Бундан буён ҳам ёш ходимларга билим ва тажрибаларимизни ўргатиб, маслаҳатлар бериб, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда янада фаол қатнашамиз.

Маҳаллабай ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш учун профилактика инспекторларининг ёнида туриб, улар билан доимий ҳамкорлик қилишга, шу орқали Юртбошимизнинг ишончини оқлашга доимо тайёрмиз.

Араббой УСМОНОВ,  
истеъфодаги подполковник,  
Эминжон ОБИДОВ,  
истеъфодаги майор.

Фарғона вилояти.

Х И К М А Т

Яхши кишиларни Яратган яхши дўстлар билан сийлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур



Х И К М А Т



ЮКСАК МУКОФОТ СОҶИБЛАРИ

# ХОРАЗМЛИК ДОВЮРАК ЙИГИТ

**Юсупбой Богот туманидаги Бешарик қишлоғида туғилиб ўсди, шу ердаги 15-умумтаълим мактабида таълим олди. Отаси Хўжабой аканинг умри деҳқончилик билан ўтди. Волидаси Онагул опа эса болаларни бировдан кам бўлмасин, дея оқ ювиб, оқ таради. Оддий қишлоқ йигитининг ҳаётда ўз ўрнини топишида, ютуқларни қўлга киритишида устозлари, айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Бобохон Абдуллаевнинг ҳиссаси катта бўлди.**

Юсупбой Бухоро давлат университетида ўқиб юрган кезларидаёқ, олий даргоҳ шарафини республика миқёсидаги мусобақаларда муносиб ҳимоя қилиб, самбо бўйича спорт устаси, деган юксак номга сазовор бўлди. У дипломни қўлга олгач, ёшлиқдан кадрдон бўлиб қолган Богот туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийлик қила бошлади. Ҳарбий хизматга қақирилгач, йигитлик бурчини шараф билан адо этиш баробарида, спорт билан янада жиддийроқ шуғулланди. Ҳарбийлар ўртасида ўтказилган мамлакат миқёсидаги ҳамда халқаро мусобақаларда фаол иштирок этиб, ўз маҳоратини янада оширди.

Ички ишлар органларида хизмат қилиш Юсупбойнинг болалиқдаги орзуси эди. Интилганга толе ёр, деганларидек, 1996 йил уни вилоят ИИБ-

нинг ўқув марказига хизматга қабул қилишди. Ходимларнинг жисмоний ва касбий кўникмаларини ошириш ички ишлар соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири саналади. Ёш бўлса-да, анча тажрибага эга бўлган Ю. Сафоев бу вазифани шараф билан адо этиб, қўллаб-қўллаб осовишталлик посбонларига мураббийлик қила бошлади. Республика миқёсидаги ва халқаро мусобақаларда қўлга киритилган ютуқлар ўз самарасини берди ва 1999 йилда қўл жанги бўйича спорт усталиги талабини бажарди. Хизмат фаолиятини сидқидилдан адо этаётган Юсупбой Сафоевга юксак ишонч билдирилиб, 2007 йилда у вилоят ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири лавозимига тайинланди.

– Юсупбой табиатан босиқ, камтарин, хушмуомала йигит, – дейди вилоят ИИБ Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капитан Акбар Полванов. – Унинг ижобий фазилатларидан яна бири зиммасидаги топшириқларни қонунийликка қатъий риоя қилган ҳолда, масъулият билан бажаради. Қўл остидаги ходимларнинг турмуш тарзи, оилавий аҳволи ҳақида доимо қайғуради. Хизмат юзасидан уларга нисбатан анча талабчан.

Подполковник Юсупбой Сафоев раҳбарлигидаги тезкор вазифаларни

бажарувчи сафарбар отряди ходимлари 2018–2020 йиллар давомида қирққа яқин тезкор тадбирда фаол иштирок этиб, хавfli жиноятчиларни қўлга олишда жонбозлик кўрсатишди. Жумладан, 2020 йилнинг 5 январь кунини номаълум шахслар Урганч туманидаги деҳқон бозори ҳудудида тумандаги Фойбу қишлоғида яшовчи С. Рўзметовга тегишли бўлган «Нексия» русумли автомашина юкхонасидан 15 миллион 500 минг сўм пулни ўғирлаб кетади. Ўтказилган тезкор тадбирлар давомида ушбу жинoий гуруҳ Урганч тумани ҳудудида юрганлиги аниқланиб, уларни қўлга олиш чоралари қўрилди. Жиноятчилар фаол қаршилиқ қилишига қарамасдан, подполковник Юсупбой Сафоевнинг тезкор ҳаракатлари билан улар қўлга олинади.

Шунингдек, ўтган йилнинг 27 май кунини урганчлик У. Абдалов ўз хонадонидан бир гуруҳ шахсларни йиғиб, қимор ўйини ташкил этганлиги ҳақида тезкор маълумот олинади. Зудлик билан тезкор гуруҳ ҳодиса жойига етиб келади. Тезкор гуруҳ таркибида бўлган отряд командири, подполковник Юсупбой Сафоев қимор ўйинида иштирок этаётган 19 нафар шахсни қўлга олишда фаол иштирок этади ва жиноятчилардан 9 миллион 500 минг сўм ҳамда 8400 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинади.



Лавҳамиз қахрамонининг хизмат фаолияти билан боғлиқ бундай воқеа-ҳодисаларни яна узoқ давом эттириш мумкин.

Ю. Сафоев хизмат фаолияти давомида 53 нафар ёш ходимга устозлик қилиб, уларнинг билим ва касбий маҳоратини ошириш, ахлоқий фазилатларини юксалтиришда самарали тарбиявий ишлар олиб борган.

Бир сўз билан айтганда, «Содиқ хизматлари учун» медали юртимиз тинчлиги, халқимиз осовишталлигини таъминлашда фидойилик кўрсатаётган подполковник Юсупбой Сафоев хизматиға берилган муносиб баҳо бўлди, дейиш мумкин.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**  
«Postda» мухбири.

Хоразм вилояти.

## АМАЛИЁТ

# ХИЗМАТГА ТАЙЁРГАРЛИКДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

**Билим амалиётда синалади, мустаҳкамланади. Ишга оид малака ва кўникмаларни шакллантиришда ҳам мазкур тадбирнинг ўрни беқийёс. Шу маънода, барча олий таълим муассасаларидаги каби ИИБ Академияси раҳбарияти ҳам масалага алоҳида эътибор билан ёндашмоқда. Хусусан, айни кунларда ИИБ Академиясининг кундузги таълим 3-босқичида ўқиётган курсантлар ҳудудлардаги ички ишлар органларида амалиёт ўтамоқдалар. Жиззах вилоятига ҳам 35 нафар курсант юборилган.**

Бўлғуси ички ишлар органлари ходимлари тегишли соҳавий хизматларнинг бой тажрибага эга ходимларига бириктирилди. Амалиётга умумий раҳбарлик ҳамда курсантлар фаолиятини назорат қилиш ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқлари зиммасига юкланди.

Вилоятнинг Пахтакор тумани Галаба маҳалласида улғайган курсант Юсуф Исмоилов Пахтакор тумани ИИБда профилактика инспектори вазифасини бажарувчи стажёр лавозимида фаолият кўрсата бошлади. Тўғри, ҳозирча унга жиддий вазифаларни ишониб топширилгани йўқ. Дастлабки босқичда у профилактика инспектори хизматиға оид ҳужжатларни юритиш сирларини ўзлаштирапти.

Кейинги босқичда соҳавий хизматлар ходимлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, маҳалла фуқаролар йиғинларида хи-

собиот йиғилишларини ташкил этиш, муурожаатлар билан ишлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга оид кўникмаларни эгаллаши керак. Ундан сўнг патруллик қилиш, маъмурий ҳудудни кўздан кечириш, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланиши ёки ҳуқуқбузарлик



содир этилишининг сабаб ва омилиларини ўрганишга доир тажрибасини ошириши зарур. Курсантнинг амалиётдаги фаолияти аста-секин мурак-

каблашиб бораверади. Умуман олганда, 90 кунлик амалиёт давомида тақдимнома киритишдан тортиб, тезкор профилактик тадбирларни ўтказишга доир тажрибаларни ўзида шакллантириши лозим. Қисқаси, профилактика инспектори вазифасини бажарувчи стажёр Юсуф Исмоиловнинг битирув малакавий иши олди амалиёт режаси пухта ва тигиз тузилган. Курсант бу даврда профилактика инспекторининг хизматини тўлиқ ўрганиш ва ишда ўзини синаб кўриш учун барча имкониятларга эга.

– Пахтакор тумани ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинимаси бошлиғи, майор Мансур Абдурафиев

менга мураббий сифатида бириктирилган, – дейди курсант Юсуф Исмоилов. – Айни кунларда туман ИИБда иш ўрганаёпман, тез орада ички ишлар органлари таянч пунктида профилактика инспектори билан ёнма-ён хизмат қила бошлайман. Бу жараёнда соҳани яхши ўзлаштириш баробарида диплом ишим учун материаллар тўплайман. Аниқроғи, профилактик тадбирларнинг қонунбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишдаги аҳамияти юзасидан изланиш олиб бормоқдаман. Шу сабабли амалиётнинг ҳар бир кунидан, ҳар бир соатидан унумли фойдаланишга, устозларимдан иложи борича кўпроқ ўрганишга интиляёпман.

ИИБ Академиясининг тезкор қидирув, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тергов, эксперт-криминалистика, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва хизмат фаолиятини психологик таъминлаш каби йўналишларида таълим олаётган бошқа курсантлари ҳам ўз билиминини шу тарзда ҳаётга татбиқ этиш ва тўлақонли қонун ҳимоячисиға айланиш учун бор салоҳиятини ишга солмоқдалар.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
«Postda» мухбири.  
Жиззах вилояти.





ХАРБИЙ ҚИСМДА ЎН КУН

## ИЛК БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

Жиззах вилояти ҳарбий маъмурий сектори, Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ҳамда бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида Шароф Рашидов туманидаги ҳарбий қисмда «Ёш ватанпарварлар» йигини уюштирилди. Йигинда Жиззах вилоятидаги «Ёшлар дафтари»га киритилган 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган 200 нафар йигит қатнашди.

Тадбир иштирокчилари 10 кун давомида ҳарбий форма кийиб, аскарча ҳаёт кечиришди. Бу даврда улар Фориш туманидаги тоғ полигониди бўлиб, ҳарбий машғулотларни кузатиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, ёшларга Миллий Армиямизда қўлла-нилаётган қурол-яроғ ва техникалар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Ташкил қилинган маънавий-маърифий тадбирлар орқали уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган

ислохотлар, хусусан республикаимиз мудофаа қудратини юксалтиришга қаратилган ўзгаришу янгилар ҳақидаги билим ва тасаввурлари бойитилди.

Шу билан бирга, касбга йўналтириш тренинглари ўтказилди. Машғулотлар якунида иштирокчиларга касбий маҳоратларини оширганликларини тасдиқловчи ҳужжатлар топширилди. 125 нафар ёш эса тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари



учун 30 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача бўлган миқдорда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларга эга бўлди.

Йигин доирасида давлат идоралари, ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кубоклари учун

спортнинг бир қатор турлари бўйича мусобақалар уюштирилди. «Ёш ватанпарварлар» йигинининг ёпилиш маросимида мусобақа голиблари ташкилотчилардан кубок ва қимматбаҳо совғаларни қабул қилиб олишди. Хусусан, Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси кубоги учун ўтказилган арқон тортиш, тўсинда тортилиш, тош кўтариш беллашувларида юқори натижаларга эришганларни вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Файрат Қодиров тақдирлади.

Тадбирда сўз олганлар «Ёш ватанпарварлар йигини»нинг илк қадирғочларига ишонч билдириб, улкан зафарлар тиладилар. Шундан сўнг вилоят маданият бошқармасининг бадий жамоалари ҳамда ҳарбий оркестрнинг концерт дастури намойиш этилди. Бундай йигинларни доимий суръатда ўтказиш режалаштирилган.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
«Postda» мухбири.

Жиззах вилояти.



СУЛОЛА

## БУРЧ, ШАРАФ, АДОЛАТ – ЙЎЛДОШЕВЛАР СУЛОЛАСИ ШИОРИ

Ўқитувчилар, шифокорлар, пўлат қуёвчилар, санъаткорлар сулоласи тўғрисида кўп ва хўб ёзилган. Лекин бутун умр ички ишлар органлари тизимида хизмат қилган оилавий сулолар ҳақида ҳамма вақт ҳам эшитавермаймиз. Негаки, хизмат бурчини ҳалол ва виждонан бажариб келаётган осойишталик посбонлари ўз ҳаёти ҳақида сўзлашни, муваффақиятлари ва ютуқлари билан мақтанишни унчалик ҳам ёқтиришмайди.

Ана шундай сулолалардан бири Йўлдошевлар оиласидир. Сулола асосчиси Обиджон ака 1932 йилда Асакада таваллуд топган. У Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаганидан сўнг кишлоқ мактабда ўқитувчилик қилди. 1964 йилда ички ишлар органларига қабул қилинди ва Асака тумани ИИБ бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайин-

ланди. Майор Обиджон Йўлдошев бу лавозимда 18 йил фаолият юритди ва 1982 йилда соғлиғи туфайли пенсияга чиқди. У рафиқаси Зебинисо ая билан 8 нафар фарзанд – 2 ўғил ва 6 қизни тарбиялаб вояга етказишди.

Обиджон ака хизмат йиллари давомида бир қатор шогирдларни тарбиялади. Марҳум полковник Мадаминжон Шамшиддинов ва подполковник Тўхтасин Раҳматуллаев шулар жумласидан. Истеъфодаги подполковник Ваҳобжон Ҳаётов эса яқинда ўзининг 70 ёшини нишонлайди.

Обиджон ака пенсияга чиққанидан сўнг кўп яшамади, оғир ва узоқ давом этган хасталиқдан сўнг 50 ёшида оламдан кўз юмди.

Унинг катта ўғли Орифжон отасининг изидан кетди ва қарийб 30 йил давомида Андижон вилояти ИИБда турли лавозимларда хизмат қилди. Пенсияга чиққанидан сўнг халқ хўжалигида меҳнат қилди. 2020 йилда катта тажрибаси ва меҳнатсеварлигини эътиборга олган ҳолда, унинг номзоди ИИБ бошлиғи маслаҳатчиси лавозимига кўрсатилди. Ҳозирда у шу



йўналишда фаол меҳнат қилмоқда.

Орифжон Йўлдошевнинг ўғиллари ҳам бобоси ва отасининг изидан боришди. Тўнғич фарзанд Отабек Асака тумани ИИБ навбатчилик қисмининг катта тезкор навбатчиси сифатида хизмат олиб бормоқда. Иккинчи ўғил Шавкатбек эса Миллий гвардия Қўриқлаш бошқармасининг сафдор ходими.

Сулола асосчисининг эвараси Оятилло ҳам ички ишлар органлари ходими бўлиш ниятида. У шу йили 9-синфни тугатади ва ИИБ Андижон академик лицейига кириш учун тайёрланмоқда.

– Отам турли китобларни, айниқса, Ўзбекистон тарихидан ҳикоя қилувчи асарларни мутолаа қилишни яхши кўрарди, – дея эслади Орифжон Йўлдошев. – Бундан ташқари, яхшигина расм чизарди, илмий фаолият билан шуғулланарди, ёш авлодни тарбиялаш бўйича китоб ёзишни бошлаганди. Афсуски, тугаллашга улгурмади...

Оила – энг қадрли маскан. Керак бўлса, ҳар бир инсоннинг таянчи, қувончи, ишончли қалқони ҳам шу. Ҳамма учун ўз хонадони ва оиласи жуда азиз. Бугун Йўлдошевлар оиласи энг қадрли масканга айланган. Сулола вакиллари ички ишлар органларида фидойиларча хизмат қилган бир неча авлодлар билан ҳақли равишда фخرланишади.

**Борис КЛЕЙМАН.**

Андижон вилояти.

Сурат Йўлдошевларнинг оилавий архивидан олинган.





НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

# Офицерская статья

Когда профессия и мастерство родителей передаются детям, а затем внукам, это означает, что большая и дружная семья живет общим делом. Дети, растущие в таких семьях, часто уже в раннем возрасте определяют для себя дальнейший путь, связанный с профессиональной деятельностью родителей.



Абдурахмон Тожимаматов более 25 лет служил в органах внутренних дел. На заслуженный отдых вышел в звании подполковника. Его сын, Шоятбек, принял решение, как и отец, посвятить жизнь борьбе с преступностью.

С раннего детства он начал понимать, что значит профессия стража порядка. Бесконечные вызовы на происшествия, редкие совместные праздники – такой была служба отца, служившего в различных подразделениях УВД Андижанской области, которой он посвятил себя без остатка.

В 2005 году Шоятбека приняли в отделение охраны при Кургантепинском РОВД на должность постового сотрудника. Затем парень служил в отделе охраны при Ханабадском ГОВД. В 2011 году Ш. Тожимаматов был назначен инспектором профилактики Кургантепинского РОВД

и получил звание «лейтенант», а спустя несколько лет стал оперуполномоченным отделения по борьбе с терроризмом и экстремизмом. В 2019 Ш. Тожимаматов возглавил это отделение.

– Я с благодарностью вспоминаю своего наставника – старшего инспектора профилактики подполковника Хусниддина Тожидинова, – говорит майор Ш. Тожимаматов. – Когда меня назначили инспектором профилактики, я, откровенно говоря, не знал с чего начинать. Хусниддин ака научил азам, щедро делился накопленным опытом, передавал навыки, учил разбираться с документацией. Спасибо ему. И, безусловно, я всегда обращался за советами к отцу. Он давал дельные наставления, учил уму разуму.

Наверное, каждому отцу приятно, когда сын осваивает профессию, ко-

торой он посвятил большую часть жизни. Подполковнику А. Тожимаматову в этом смысле повезло. В 14 лет его сын, Шоятбек, уже твердо знал, что пойдет по стопам отца, от которого унаследовал офицерскую статью, перенял опыт и знания. Все это помогает ему принимать грамотные решения в экстремальных ситуациях.

– Я воплотил свою детскую мечту и ни разу не пожалел об этом! Бывает сложно, напряженно, но это мой, осознанный, самостоятельный и правильный выбор. Отец всегда остается для меня авторитетом, примером для подражания. Горжусь тем, что продолжаю его дело, – говорит Шоятбек.

У героя нашего повествования и его супруги, Умидахон, растут трое детей. Старшему, Умарбеку, недавно исполнилось 10 лет. Он с уверен-

ностью говорит, что когда вырастет, обязательно станет стражем порядка.

Указом Президента Республики Узбекистан в честь 29-й годовщины Вооруженных Сил страны и Дня защитников Родины начальник отделения Кургантепинского РОВД майор Шоятбек Тожимаматов награжден медалью «Шухрат» за проявленные мужество и героизм, верность служебному долгу.

Когда материал готовился к публикации, майор Ш. Тожимаматов был назначен на должность первого заместителя начальника Ханабадского ГОВД.

ДЕТИ – НАШЕ БУДУЩЕЕ

# Основа – разностороннее воспитание

Детское дошкольное образовательное учреждение «Пахтаой» при УВД Андижанской области посещают 280 детей, в основном сотрудников органов внутренних дел, военнослужащих и работников силовых структур области.

Отдавая ребенка в детский сад, каждый родитель старается решить ряд задач: воспитание, социализация, всестороннее развитие.

– Качественное дошкольное образование очень важно, поскольку является базовой образовательной ступенью, – говорит заведующая «Пахтаой» Хуршида Болтабаева. – Занятия в детском саду являются такой же формой обучения, как и уроки в школе, имеют свои цели, структуру и результаты. Проводятся они с дошколятами ежедневно. Одно занятие занимает от 10 до 20 минут. В день их может быть 2 или 3.

– В детском саду 12 групп, – вступает в разговор методист Саида Хамдамова. – На нашем попечении находятся мальчики и девочки в возрасте от трех до семи лет. Вос-



питанники обеспечиваются четырехразовым горячим питанием. Для них созданы все необходимые условия: есть музыкальный зал, игровые комнаты, спортивные площадки, бассейн, площадка, где проходит обучение Правилам дорожного движения. Территория дошкольного учреждения благоустроена.

В прошлом году была проведена капитальная реконструкция: отремонтированы помещения, заасфальтиро-

ваны дорожки, высажены фруктовые и декоративные деревья и кустарники. Воспитанники старших групп изучают на занятиях родной, русский и английские языки. По желанию родителей, они могут заниматься в секциях каратэ, гимнастики, музыкального кружка.

В помещениях светло, уютно и тепло. Садик работает с семи утра до семи вечера.

Воспитанием детей занимаются опытные педаго-

ги-воспитатели: Дилфуза Ахмедова, Насиба Исмоилова, Муяссар Собирова, Хамида Хакимова, Икболхон Рахматуллаева, Жамиля Рахмонова.

В «Пахтаой» проводятся интересные занятия, развивающие логику, память, концентрацию, внимательность, мышление. Уроки проводятся в игровой форме. Наиболее эффективными считаются занятия с разноцветными кубиками и разными типами конструкторов.

Дети получают полезную информацию в комфортной и непринужденной обстановке. Профессиональные педагоги проводят подготовку к школе, используя современные методики и увлекательные игры, учат детей читать, рисовать, лепить из пластилина, собирать пазлы, мозаики, заучивают стихотворения, осваивают настольные игры, проводят увлекательные беседы с детьми.

– Моя внучка Мутабархон в прошлом году стала выпускницей «Пахтаой», – говорит ветеран органов внутренних дел Рахмон Косимов. – Сегодня в садик приходит младший внук, Зиёдулло. От имени всей семьи хочу выразить искреннюю благодарность воспитателям, нянечкам, всему коллективу за благородный труд, заботу и внимание к детям. Спасибо!

*На снимке: воспитатель Н. Исмоилова проводит занятия по чтению в первой старшей группе.*

Материалы полосы подготовил Борис КЛЕЙМАН, корреспондент «На посту». Фото автора. Андижанская область.



## ХИЗМАТ ЖОЙИ – ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИ

## БУРЧНИ ШАРАФ БИЛИБ

Эр йигит учун она Ватан ҳимояси доимо муқаддас бурч саналган. Шу сабабли ҳам Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ва ўз қатъиятини намойиш этиб, барча қийинчилик ҳамда синовларни мардона энгиб ўтаётган ёшларимиз билан фахрланамиз. Қуйида ўз ҳаётини ана шундай машаққатли, шу билан бирга, шарафли хизматга бахшида этган уч нафар йигит ҳақида ҳикоя қиламиз.

Нурали Қорабобоев Тошкент вилоятининг Пискент туманида туғилб ўсган. У ўрта махсус билим юртини тамомлаб, автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича мутахассис бўлиб етишди. Бир муддат автомобилларни таъмирлаш шохобчасида меҳнат қилгач, муддатли ҳарбий хизматга чақирилди. Йигитлик бурчини ўтаб қайтган Нурали Қибрай тумани ИИБ патруль-пост хизмати бўлинмасига ходим сифатида қабул қилинади. 2019 йилдан ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли Андижон вилоятида жойлашган 7553-ҳарбий қисмда фаолиятини давом эттиряпти. Ҳозирда

оддий аскар Нурали Қорабобоев назоратчи сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Яқкабоғ туманилик Наврўз Мавлонов ахборот технологиялари коллежини тамомлагач, Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида муддатли ҳарбий хизматни ўтади. Ана шу даврда шартнома асосида хизматни давом эттиришга қатъий қарор қилади. 2013 йилдан сержант Н. Мавлонов Андижон вилоятида жойлашган ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли 7553-ҳарбий қисм назорат-ўтказиш пунктида назоратчи бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

Миржалол Алиёров шу йили

25 ёшни қарши олади. Тошкент вилоятининг Бекобод туманида вояга етган бу йигит ёшлигидан ҳарбий бўлишни орзу қилиб, ўз мақсади сари интила бошлади. Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, бир йилдан сўнг шартнома асосида яна хизматни давом эттиради. Ҳозирда оддий аскар М. Алиёров 7553-ҳарбий қисмда ўқчи лавозимида хизмат қилаёттир.

Мустақиллик ҳар бир ёшга ўз миллий армияси сафида хизмат қилиш имконини берди. Шу сабабли ҳам ота-оналар фарзандларини ҳарбий хизматга юбориш мақсадида эканликларини гурур ила таъкидлашяпти. Чунки армияда аскарлар учун қулай шароит ва имкониятлар яратилган, уларнинг жисмоний ва интеллектуал салоҳияти янада ошади. Қуролли Кучлар сафидан қайтгач эса, ўқш ишга киришлари учун уларга бир қатор имтиёзлар берилди.

– Армияда хизмат қилиш ҳар бир йигит учун шарафли бурч



дир, – дейди сержант Наврўз Мавлонов. – Мен ҳарбийликни танлаганимдан фахрланаман. Негаки, Ватан ҳимоячиси ҳақида одамларнинг кўз ўнгиде бўлади, кўпчилик ёшлар унга ҳавас билан қараб, ушбу соҳани танлашга ҳаракат қилади.

– Давлатимиз раҳбари ҳар йили ҳарбий хизматчиларга йўллаган байрам табригида мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, миллий армиямизнинг мудофаа қобилияти ва қудратини мустаҳкамлаш вазифасининг масъулияти ва шарафини ҳақида алоҳида таъкидлайди, – дейди ҳарбий қисм коман-

дирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Қаҳрамон Мардонов. – Шу боисдан, бўлинмамиз шахсий таркиби ҳам юртимиз тинчлик-осойишталиги йўлида хизмат бурчига садоқатини намойиш этиб, белгиланган вазифаларни шараф билан бажармоқда.

Борис КЛЕЙМАН.

Суратда: сержант Наврўз Мавлонов (ўртада), оддий аскар Нурали Қорабобоев (чапдан) ва оддий аскар Миржалол Алиёров (ўнгда). Муаллиф олган сурат.

## АЁЛ, ОИЛА, ЖАМИЯТ

## УМИДСИЗ УЙ БЕКАЛАРИ: ЧИҚИШ ЙЎЛИ БОРМИ?

Мамлакатимизда оилада тазйиқ ва зўравонликка учраган, қийинчиликларга дуч келган хотин-қизларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиб чиқиш ва уларнинг ҳаёт шароитларини яхшилаш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Қуйида, Франция Техник ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги (АСТЕД)нинг реинтеграция дастури доирасида ўз бизнесини йўлга қўйган икки ана шундай аёл ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Ушбу лойиҳа Самарқанд вилояти Пастдарғом туманининг ўрта маҳалласида яшовчи хотин-қизлардан 25 нафар номзодни танлаш билан бошланди. Танловда аёлларнинг яшаш шароити ва ижтимоий ҳолати ҳисобга олинди. Лойиҳа якунида эса, оиладаги мулоқот қондалари, низоларни ҳал қилиш кўникмалари, ҳуқуқий тайёргарлик, касб-хунар таълими, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва оилавий бюджетни режалаштириш каби олти модулни ўз ичига олган реинтеграция дастуридан ўтган бешта аёл танлаб олинди. Улардан икки нафарига маъшиий техника кўринишидаги бизнес-лоийҳасини амалга оширишда ёрдам кўрсатилди.

– Аёлларга психологлар томонидан аввало, зўравонлик муҳитидан чиқиш, ўзи ва фарзандларининг келажагини кафолатлаш учун зарур билим, кўникма ва тавсиялар берилди, – дейди «Раҳмдиллик» нодавлат но-тижорат ташкилоти директори Бибисора Орипова. – Бизнинг аёллар уйдаги жанжални кўчага олиб чиқишга кўникмаган. Улар кўпинча эрлари томонидан тазйиққа учраса-да, кўшниллар ва қариндошлар орасида танқид мавзусига айланишдан қўриқиб, сўкут сақлашни афзал кўришади. Биз сўнгги иккита номзодни аниқлашда ёрдамга муҳтож аёлларни танлаб олдик. Муайян вазиятлар туфайли улар ишлаш имкониятига эмас. Сабаби

уларнинг бирида ногиронлиги бўлган икки нафар кичик ёшдаги фарзанди бор. Бу аёлларга ўз уйдан чиқмаган ҳолда пул ишлаб топиши учун тегишли шароитлар яратиб бериш мақсадида ҳар бирига сиргир ва бузоқ олиб беришга қарор қилдик. Олинган сут яқин орадаги хусусий мактабгача таълим муассасаларига сотилади.

– Мен лойиҳада иштирок этиб, бюджетни режа-

лаштириш

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Гулжамол Шукурованинг маълум қилишича, пандемия оқибатларини бортараф этиш бўйича қўллаб-қувватлаш мақсадида Франциянинг Техник ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигининг (АСТЕД) Ўзбекистондаги филиали билан ҳам ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланган. «COVID-19 га қарши чора-тадбирлар ва унинг оқибатлари билан курашиш» бўйича амалга оширилган лойиҳалар доирасида ҳозирга қадар пандемия даврида қийин вазиятга тушиб қолган 300 нафар хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун 256 та тикув машинаси, 387 та мебель жиҳози, 70 та пиширилари тайёрлашга мўлжалланган мослама, 240 та сартарошлик асбаб-ускуналари берилди.

– Бизнинг аёлларига эга бўлдим, – дейди Пастдарғом тумани Кичик найман маҳалласида истиқомат қилувчи Мархабо Абдураззоқова. – Турмуш ўртоғим саломатлиги ёмонлашгани туфайли оғир меҳнат қила олмай қолди. Мен эса уч нафар фарзандимнинг тарбияси билан шуғулланаман. Маҳалламиздаги хотин-қиз-

лар 35 ёшгача бўлган ишчиларни қабул қиладиган тикувчилик фабрикаларида ишлайди. Ақсарият қишлоқ аҳолиси сут маҳсулотларини сотиш орқали пул ишлайди. Аммо бизда қорамол сотиб олиш учун ҳам маблағ йўқ эди. Айни пайтда соғиб олинган сутни яқин атрофдаги мактабгача таълим муассасасига сотишни ва кунлик даромад олишни режалаштирмоқдаман.

Сиргир, бузоқ ва маъшиий техника тақдим этилган яна бир лойиҳа иштирокчиси остеопороз диагнози қўйилган икки нафар фарзандининг тарбияси билан шуғулланади. Унинг болалари кальций етишмаслигидан азият чекади ва доимий ғамхўрликка муҳтож.

– 20 ёшимда турмушга чиқдим, – дея сўз бошлади Пастдарғом туманидаги Пахтақор маҳалласида истиқомат қилувчи Мафтуна Эргашева. – Умр йўлдошим ишчи. У қиш кунларида иш топишга қийналади. Моддий томондан етишмовчиликлар сабаб оиламизда тез-тез жанжаллар юзага келади. Шахсий уйимиз йўқ, бунинг устига болаларга доимий парвариш керак. Муаммолар туфайли кўп асабийлашиб, руҳий тушунлиққа тушаман. Менга ёрдам қўлини чўзишга тайёр одамлар борлигини тасаввур ҳам қилмагандим. Энди нафақат фарзандларим, балки биз учун ҳам бебаҳо кальций манбаи ҳисобланган сутли маҳсулотлар дастурхонимизни доимо безаб туради.

Пастдарғом тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими маълумотларига кўра, ўтган йили тумандаги 167 нафар аёлга ҳимоя ордери берилган. Туманда жами 965 та оила бўлиб, улардан 45 таси «темир дафтэр»га киритилган.

– Туманимиз аёлларининг қарийб йигирма фоизининг бандлиги таъминланган, – дейди Пастдарғом тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари Сайёра Атауллова. – Аёлларнинг асосий қисми тикув фабрикаларида меҳнат қилади. У ерда

иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, баъзан тунги сменага қолишга ҳам тўғри келади. Қишлоқ жойларида эр-каklarга бундай иш шароити маъқул келмайди, улар учун аёлга ишлашни таққиб қўйиш осонроқ. Кўпчилик уй ишлари ва фарзандлар тарбияси билан шуғулланади. Бу эса уларнинг моддий жиҳатдан турмуш ўртоғи ва оила аъзоларига боғлиқ эканини билдиреди.

Жорий йил бошидан буён Самарқанд вилоятида 49 нафар аёлга ҳимоя ордери берилган.

– Оиладаги тазйиқ ва зўравонлик, ҳар қандай ижтимоий танглик бугунги кунда пандемия шароитидаги ишсизликка ҳам боғлиқ, – дейди Самарқанд шаҳри ИИОФМБ хотин-қизлар масалаларига бўйича бўлим бошлиғи, ҳуқуқбозарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, майор Дилора Ҳотамова. – Кўпинча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилган аёллар руҳан чарчаган, камситилишларга ортиқ тоқат қила олмайдиган даражага етган бўлади.

Одатда, оилавий тазйиқ ва зўравонликни жисмоний намоён бўлиши билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз ва унинг бошқа кўринишдаги оқибатларига аҳамият қаратилмайди. Масалан, аёл ўз фарзандлари тарбияси билан шуғулланиб, узоқ вақт уйда ўтириб қолди, дейлик. У ўз даромадига эга бўлмагани учун ўзига уй сотиб ола олмайди. Ўзи ва боласини ҳаёти учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва бошқалар билан таъминлашга қўриб етмайди. Алалоқибат, қариндошлари ва атрофдагиларнинг айбалиридан қўриқиб, сўкут сақлаб юрверади. Бизнинг менталитетимизга сингиб кетган айрим «ақида»лар сабаб афсуски, оилаларда шунга ўхшаш ҳолат аллақачон оддий ҳолга айланган. Ачинарлиси, кўпчилик ҳали ҳам ўз бахтига кўз юмиб, «Одамлар нима дейди?», деган қоида билан яшайди.

Замира БАЛТАЕВА,  
«На посту» муҳбири.



МАРДЛАР ҚҶРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

# ИИВ ҳарбий тузилмалари: МАҲОРАТНИ ОШИРИШ, ТАЖРИБА АЛМАШИШ



(Давоми.  
Бошланғичи 1-бетда).

Йиғиннинг дастлабки кунинда ИИВ Қоровул қўшинлари ва Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари қўмондонларининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботи эшитилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Баҳодир Мирзараҳимов қатнашган йиғилишда тузилмаларнинг ўтган йилда амалга оширган ишлари, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, келгусидаги режалар атрофича муҳокама қилинди. Эришилган ютуқлар эътироф этилиши баробарида, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, хизмат интизоми бузилиши ҳолатлари қаттиқ танқид қилинди.

Куннинг иккинчи ярмида амалга оширилган саёҳат иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди, дейиш мумкин. Командирлар пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган «Ғалаба боғи» ва «Шон-шараф» музейини бориб кўришди, экспонатлар билан танишишди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, командирлар йиғин давомида меҳмонхоналарда эмас, балки ҳарбий қисмда, казарма шароитида ётиб туриб, тўлиқ ҳарбийлардек яшаш йўлга қўйилди. Йиғиннинг иккинчи кунини тонги жисмоний машқлар



билан бошлаб, саф тайёргарлигидан ўтишди. Шундан сўнг ҳарбий қисмда ташкил этилган кўргазмаларни кўздан кечиришди. Аини чоғда замонавий қурол-яроғлар, техника воситалари ҳақида яна бир бор кенг маълумотга эга бўлишди. Шунингдек, замонавий оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш, ҳарбий қисм командирининг иш харитасини тайёрлаш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва ярадорларни жанг майдонидан эвакуация қилиш ҳақидаги билимларини янада оширишди.

– Ҳар ким доим олға интилиш, фаолиятга илғор янгилликларни жорий этишга ҳаракат қилиши керак, – дейди



қўшинлари Фарғона халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш алоҳида батальони командири, подполковник Билалжон Ўринбоев. – Шунингдек, жанговар гуруҳлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш, моддий-техник базани янада кучайтириш борасида ҳам зарур маълумотларга эга бўлди. Ушбу йиғин келгуси фаолиятимизда асқатишига ишонаман.

Йиғиннинг учинчи кунини командирлар ўрганганларини таҳлил қилишди. Ўз ишини режалаштириш бўйича услубий машғулот ўтказишди. Шунингдек, ўқув гуруҳи раҳбарларининг машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби билан танишиб, ўқувларни ўтказиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича кўргазмали машғулотда иштирок этди. Махсус вазифаларни бажарувчи сафарбарлик вазоди шахсий таркиби билан кўргазмали махсус-тактик тайёргарлик машғулотлари ҳам уларда яхши таассурот қолдирди.

Хуллас, уч кун давомида командирлар кўрди, ўрганди, таҳлил қилишди. Соҳадаги янгилликлардан воқиф бўлишди. Тажриба алмашишди. Буларнинг барчаси келгуси хизмат фаолиятида кўл келиши, шубҳасиздир.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**  
«Postda» мухбири.  
**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган суратлар.

Қоровул қўшинларига қарашли 7552-сонли ҳарбий қисм командири, подполковник Акбар Очилов. – Акс ҳолда, хизматда самарадорликка эришиш мушкул бўлади. Шу маънода, мазкур йиғин мен учун тажриба алмашиш, янгилликларни кашф этиш имконини бергани билан аҳамиятли бўлди.

– Йиғин давомида Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмлари командирлари билан суҳбатлашдик, уларда жорий этилган яхши хизмат тажрибаларини ўзимизда йўлга қўйиш борасида келишиб олдик, – дейди Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш





ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

## ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг таъсирчан воситаси сифатида



Унинг моҳияти шундан иборатки, аҳоли полициячиларга ёрдам бериш мақсадида Интернетдан фойдаланган ҳолда Twitter ёки бошқа ижтимоий тармоқлар орқали жиноятлар ҳақида хабар беради. Ушбу дастур ишга туширилган ҳудудларда жиноятлар сони тобора камайиб борапти.

Россия Федерацияси ИИВ органларида жамоатчилик кенгашлари ташкил этилган. Ички ишлар органлари фаолиятини мониторинг қилиш ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш уларнинг вазифаси ҳисобланади. Жамоатчилик кенгашлари таркибига турли даражадаги ҳокимият вакиллик органлари депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фахрийлари, ОАВ ходимлари, жамоат ташкилотлари ва ижодий уюшмалар аъзолари, таълим ва фан соҳаси вакиллари, жамоат арбоблари, руҳонийлар киради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам

жамоатчилик назоратини амалга оширишни назарда тутувчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, бевосита фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари жамоатчилик назорати субъектлари ҳисобланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари шахсан ёки жамоатчилик бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар таркибида жамоат назоратининг амалга оширилишида иштирок этишга ҳақли.

Шу тарихида ички ишлар органлари фаолияти устидан ўрнатилган жамоатчилик назорати коррупцияга қарши самарали чора бўлиб хизмат қилади. Бу ўз навбатида ички ишлар органларига аҳолининг ишончини оширади. Шунингдек уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро яқин ҳамкорлигини мустаҳкамлайди. Қолаверса, ички ишлар органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлайди. Тизим ички ишлар органларининг жамоатчилик ташаббуслари, жамоатчилик назорати механизмларига бўлган ишончини кучайтиради.

Иброҳим ТОШНАЗАРОВ,  
капитан.

Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини назорат қилишдаги иштирокига ҳуқуқий давлатни ривожлантириш шарт сифатида қаралади. Хусусан, ички ишлар органлари (ИИО) ва фуқаролик жамияти институтлари замонавий давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишга қаратилган вазифаларини амалга оширувчи муҳим субъектлар, жамоат хавфсизлигини таъминлаш амалиётидаги шерикларга айланмоқда. Сўнгги пайтларда Ўзбекистон Республикасида турли соҳаларда олиб борилаётган иш-хотлар ҳам шунини тақозо қилмоқда.

Аваллабор, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу тизим фаолияти самарадорлигидан келиб чиқиб, жамият уларга баҳо беради. Ички ишлар органлари фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб борадиган тузилма ҳисобланади.

Шу ўринда жамоатчилик назорати ва ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш бўйича халқаро тажриба хусусида тўхталиб ўтсак. Ривожланган давлатларда ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва узлуксиз мониторинг қилишда фуқаролар фаол иштирок этади. Бу борада АҚШ, Япония, Фарбий Европа мамлакатлари бой тажрибага эга.

АҚШда Халқ полиция академиялари жуда машҳур. Уларнинг асосий мақсади аҳолини полиция фаолияти билан таништиришдан иборат. Академиялар, биринчи галда, аҳолининг полицияга нисбатан ижобий муносабатини шакллантириш ҳамда полициячилар ва фуқаролар ўртасида ўзаро алоқаларни кучайтиришга хизмат қилади. Ушбу мамлакатда «Neighbourhood Watch» дастури эътироф қозонган.



ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГ

## МУЛОҚОТДА РУҲИЙ ҲОЛАТНИНГ ЎРНИ

Инсонлар ҳаётда яшар экан, доимо бир-бирига эҳтиёжи бўлиши табиий. Одамлар моддий ёки маънавий манфаат юзасидан ўзаро мулоқотга киришганда, дунёқараш, фикрлаши ва феъл-атворлари турлича бўлса-да, ягона мақсад уларни бирлаштириши мумкин. Ҳар қандай жараёнда ҳам мулоқотда руҳий ҳолат муҳим ўрин тутаяди. Айниқса, ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиши, халқ орасида хизмат олиб бориши инobatта олинса, уларнинг босиқлиги, хушмуомалалиги, киришимлилиги фаолиятининг муҳим мезонларидандир.

ИИВ ЖИЭББ шахсий таркиби билан «Мулоқот психологияси» мавзусида ўтказилган психологик тренинг-да ҳам ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тренингни Ўзбекистон Психологлар ассоциацияси раисининг ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди, доцент Миршароф Содиқов олиб борди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, М. Содиқов Италия, Хитой, АҚШ каби мамлакатларда малака оширган, психологияга оид битта монография, учта китоб ва 80 дан ортик мақолалар муаллифидир. Унинг ўзаро жонли мулоқот, баҳс-мунозара ва таҳлил руҳида ўтказиладиган машғулотлари доимо иштирокчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган.

Бош бошқарма шахсий таркиби билан ўтказилган машғулотлар ҳам баҳс-мунозараларга бой бўлди. Нотиқ раҳбар ва ходим ўртасида иш юзасидан келиб чиқадиган турли зиддиятли вазиятлар ҳамда иш давомида орттирилган стрессдан чиқиш кетиши бўйича ўзининг

психологик маслаҳатларини берди. Тадбирда, шунингдек, ходимларга ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлишлари учун гармонияни бузмасликлари тавсия этилди. Чунки марказий асаб тизимининг бузилиши бутун бир вужуднинг фаолияти бузилишига олиб келиши мумкинлиги тушунтирилди.

Бундан ташқари, жазони ижро этиш муассасасида маҳкумлар билан мулоқот қилиш, уларни қайта тарбиялаш борасида нималарга эътибор қаратиш лозимлиги устида ҳам тўхталиб ўтилди. Оилада фарзанд тарбияси, айниқса болалардаги руҳий ҳолат, психологик оғиш каби тушунчалар хусусида ҳам гап борди. Сангвиник, холерик,

меланхолик, флегматик темпераментларининг ўзига хос хусусиятлари, улар билан мулоқотга киришиш услублари бўйича маълумотлар берилди.

Иштирокчилар учун таассуротларга бой, қизиқарли ўтган машғулот давомида ИИВ ЖИЭББ соҳавий хизматлари раҳбарлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Ходимларнинг руҳий ҳолатини барқарор сақлашда, руҳий ёки ахлоқий бузилишларининг олдини олишда бу каби тадбирлар қўламини кенгайтириб бориш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланиб, ҳамкорликни давом эттиришга келиши олинди.

Шаҳризод ШОКИРОВ,  
лейтенант.



МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# СПОРТ ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш, фуқароларни соғломлаштириш аини пайтда энг долзарб масалалардан биридир. Шунга монанд бугунги кунда юртимизда спорт билан шуғулланиш оммавий тус олаётгани, соғлом турмуш тарзига амал қилаётган юртдошларимиз сони кун сайин кўпайиб бораётгани қувонарли ҳолдир.**

**Соғлом турмуш тарзи – инсон учун ҳар тарафлама ривожланиш, саломатликни сақлаш ва уни мустаҳкамлаш, ижодий иш қобилиятини узайтириб, уни юқори даражага етказиш, ижобий сифатларни шакллантириш имконини беради. Олимларнинг фикрига кўра, ҳар бир инсон ҳақидаги тўлиқ тасавурни саломатлик даражаси белгилаб беради.**

Масалан, янги туғилган чақалоқнинг олти ой мобайнида она сути билан етарлича озиқлантирилиши унинг ҳар хил касалликлардан ҳимоя қилиши буюк аллома Ибн Сино ўғитларидан бизга яхши маълум. Оилада чақалоқ бўлган хонадонларда онанинг овқати ва овқатланишига ҳам катта аҳамият берилиши ҳам бежиз эмас. Бу она ва боланинг соғлом бўлишида муҳим ўрин тутди. Бу ҳақида ҳам Ибн Сионинг «Тиб қонунлари»да алоҳида ўрин ажратилган.

Шундай экан, соғлом турмуш тарзи ҳар бир одамнинг кун тартибиди бўлиши керак ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

**тўғри ташкил этилган меҳнат, дам олиш, зарарли одатларга барҳам бериш, шахсий гигиена, спорт билан шуғулланиб, танани чиниқтириш, меъёрида овқатланиш.**

Унумли меҳнат соғлом турмуш тарзининг асоси ҳисобланади. У одамни иқтисодий томондан таъминлаш учун зарур асос ҳисобланиб, иккинчи томондан моддий бойлик яратади. Унумли меҳнат жараёнида одам саломатлигига физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Бу жараёнда киши ҳар хил ташқи омилларга дуч келиши мумкин. Шунинг учун ҳар доим нуқолай меҳнат шароитининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилади.

Тўғри ташкил этилган меҳнат ва ўз вақтидаги дам олиш ҳам соғлом турмуш тарзиди алоҳида аҳамиятга эга. Айрим корхона, ташкилот ва муассасаларда иш бошланишидан олдин ўтказиладиган бадантарбия машқлари, меҳнат жараёни давомида олиб бориладиган машғулотлар, иш тугагандан сўнг саломатлик марказларида шуғулланиш, сузиш тўғрақларида қатнашиш саломатликни сақлашга хизмат қилади.

**Соғлом турмуш тарзиди жисмоний тарбия ва спорт биринчи ўринда туради. Буни ўз даврида Ибн Сино ҳам таъкидлаб ўтган.**

Бадантарбия, доимий чиниқиш эса тана соғломлигини оширувчи асосий йўлдир. У кўп касалликларга барҳам беради, умрни узайтиради, узоқ вақт ижодий иш қобилиятини сақлаб туради, қон айланишини яхшилади, модда алмашинувини меъёрига келтиради, шамоллашларнинг олдини олади. Ҳар бир одам ўзини қувш, сув, ҳаво билан, жисмоний машқлар билан чиниқтириб бориши лозим.

Аслида кўп касалликлар нотўғри пала-партиш овқатланиш натижасида келиб чиқади. Меъёрида овқатланиш соғлом турмуш тарзининг асоси бўлиб, организмнинг тўғри ўсиши ва ривожланишини таъминлайди. Саломатлик-



ни, юқори иш қобилиятини сақлаб, умрни узайтиради. Ҳар бир одам кун давомида сарфлаган энергияни қоплайдиган, оқсил, ёғ, витамин, минерал моддаларга бўлган эҳтиёжни қоплайдиган ҳолатда овқатланиши лозим. Соғлом турмуш тарзига риоя қилиб, узоқ умр кўришни истаган ҳар қандай киши, зарарли иллатлардан узоқроқ юриши шарт.

Мутахассисларнинг фикрича, спорт билан шуғулланган киши табиат билан ҳамнафас бўлади. Очиқ ҳавода спорт машғулотлари билан шуғулланган кишининг кўнгли хотиржам тортиб, руҳияти тетиклашади. Ҳар куни 20 дақиқа спорт машқларини бажариш ва овқатланиш қоидаларига риоя қилиш кишини ортиқча вазндан халос бўлишга ёрдам беради. Жисмоний машқлар, табиийки, кишида чарчоқни пайдо қилади. Натижада киши тинч ором олиб, эрталаб уйкуга тўйиб уйғонади. Бундан ташқари, тўғри бажарилган жисмоний тарбия ва парҳезнинг организмни тозалашда ҳам ўрни жуда катта.

Кўпчилик спортнинг бирор тури билан шуғулланиш танловида иккинчи мумкин. Унутмаслик кераки, ҳар қандай спорт тури инсонга куч, энергия бағишлайди. Бевосита саломатликка дахлдор томонларига эътибор қаратадиган бўлсак, спортга ошно тутинган киши юрак хасталикларига чалинмайди.

**Айниқса, велоспорт билан шуғулланиш жуда фойдали. Жисмоний тарбия ва спорт кишидаги мавжуд муаммоларни унутишга, тушкунликдан халос бўлишга ҳам ёрдам беради. Тоза ҳавода бажарилган машқлар иммунитетни кўтариб, турли касалликлардан ҳимоялайди.**

Спорт билан мунтазам шуғулланишга имконияти бўлмаганлар пиёда юриб ҳам организмга ёрдам бериши

мумкин. Бунинг учун кўп энергия сарфлашнинг ҳам ҳолати йўқ, лекин ижобий таъсири жуда юқори. Кунлик юриш машқлари организмнинг умумий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиб, мушакларни бакуват қилади, суяк тўқимасини мустаҳкамлайди, ҳаракатлари мувофиқлаштириш имконини беради.

Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ҳаракатларимизга янги руҳ бағишлади. Баъзан кўча-кўйда қиш бўлишига қарамадан югуриб чиниқётган юртдошларимизни, корхона, ташкилот ва муассасаларда эрталабки бадантарбия машқларини жамоавий тарзда бажараётган кишиларни учратамиз. Зеро, тонгни яхши кайфият билан бошлаган кишининг ишида ҳам самарадорлик бўлади. Эрталабки бадантарбия нафақат жисмоний саломатлик гарови, балки инсоннинг руҳияти ва кайфиятини кўтарувчи, кунни янги куч ва иштиёқ билан бошлашга туртки берувчи муҳим омилдир. Шубҳасиз, бу оиладаги хотиржамлик, фойдали иш коэффицентининг кескин ошишида ҳам ўз ақсини топади.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг иккинчи йўналиши – ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтиришдир. Шунга монанд кейинги йилларда бу йўналиш ривожига катта эъти-

бор қаратилиб, кўплаб оммавий спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Ҳарбийлаштирилган тизим, хусусан, ички ишлар органлари ходимлари фаолиятини спорт ва жисмоний тарбиясиз тасаввур қилишнинг иложи йўқ. Юртимизда спортнинг бир қанча турлари бўйича ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирокида аънанавий мусобақалар ўтказилиб келинади. Бундан ташқари, ички ишлар органлари ходимлари ўртасида ўтказиладиган турли спорт мусобақалари ҳам кўплаб иқтидорли ёшларни кашф этапти.

Кези келганда, «Спортни сев, спорт билан яша!», «Соғлом ҳаёт сари 5000 қадам» шиори остида мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган турли спорт тадбирлари, оммавий югуриш мусобақаларида ички ишлар органлари ходимлари ҳам фаол иштирок этиб, спортнинг халқимиз орасида тобора оммавийлашишига ўз ҳиссасини қўшиб келишмоқда.

**Тан олиш керак, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлашишида ўтказиб келинаётган спорт мусобақаларининг ўрни бўлакча. Миллий Олимпия кўмитаси маълумотларига қараганда, бу йил юртимизда 20 та халқаро мусобақа ўтказилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон терма жамоалари спортчилари томонидан Токио Олимпия ва Паралимпия ўйинларида қатнашиш учун жами 110 та лицензияни қўлга киритиш режалаштирилмоқда. Спорт федерациялари уюшмаларига штат жадвалларига биринчи марта 18 та шифокор, 18 та диетолог, 17 та массажчи ва 16 та психолог киритилди.**

Мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантиришга давлат миқёсида аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки соғлом одамгина юрт тараққиётига, унинг фаровонлига муносиб ҳисса қўшиб, тинчлик-осойишталигини таъминлай олади. Маълумот ўрнида айтиш кераки, эндиликда миллий терма жамоаларга саралаб олинган спортчилар имтиҳонсиз Олимпия захиралари коллежига қабул қилинади. Улар 2025 йилга бориб, Ўзбекистонда ўтадиган IV ёзги Осиё ўйинларига 4 йил давомида мақсадли равишда тайёргарлик кўриб боради.

**А. МИРЗАҚУЛОВ,**  
капитан,  
**А. МИРШАРАПОВ,**  
лейтенант,  
ИИБ Академияси жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедраси ўқитувчилари.





## УЧИНЧИ СЕКТОРДА

## МАНЗИЛЛИ ИШЛАР БАРДАВОМ

**Андишали халқимиз. Шу сабаб ҳеч кимни сен камбағалсан деб айтмайди. Камбағаллик балоси қамраб олган оила ҳам ўз ҳолатини ошқора қилавермайди. Узи тиришиб, аҳволини ўнглашга ҳаракат қилади. Мана шу паллада кўпни кўрган, синовлардан мардона чиққан қариндошу маҳалладошлар кўлидан келганча оиланинг елкасидан суяб юборади.**

Кейинги пайтда Президентимиз ташаббуси билан ана шундай ўлмас қадрият давлат миқёсида омма-лашди. Камбағалликдан чиқариш бўйича ишлар кенг қанот ёзиб, энг олис туманлардаги оилаларга ҳам етиб борди. Айниқса, туманлардаги секторлар тақсимо-тида иш олиб борилгани ижобий самара бера бош-лади. Бунга Сайхунобод туманининг учинчи сектори мисолида ҳам амин бўлиш мумкин.

Сайхунобод – Сирдарё вилоятининг чўл тумани. Етмиш-саксон йиллар муқаддам ҳудудга Жиззах, Тошкент, Фарғона водийси қишлоқларидан одамлар кўчирма қилинган, кўплаб давлат хўжаликлари ташкил этилган.

– Камбағалликни тугатиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган хайрли ишлар, йиллар давомида йиғилган муаммоларнинг ҳал қилинишига

асос бўлди, – дейди учинчи сектори раҳбари, туман ИИБ бошлиғи, подполковник Яшин Саилов. – Бизга бириктирилган олтита маҳалланинг ҳар бирида қўйилган вази-фаларни бажаришда ижобий натижаларга эришдик.

Учинчи секторга бириктирилган маҳаллаларда қарийб 5,5 минг оила бўлиб, 25 минг нафар аҳоли истиқо-мат қилади. Ҳар бир оила-нинг, ҳар бир хонадоннинг ўз ташвиши, муаммоси бор. Сектордаги ишлар бир неча йўналишда олиб борилди. Дастлаб ҳар бир хонадон-да бўлиниб, ўзига яраша хатлов, сўров ўтказилди. Муаммолар умумлашти-рилди, вазифалар белги-ланиб, дастурлар тузилди. Йўл харитасига биноан аҳо-лини тадбиркорликка жалб қилиш, иш билан таъмин-лаш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқарти-риш, ижтимоий инфратузил-

мани ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилан- олинди.

Халқимизнинг яхши-ёмон кунда ўзаро кўмаклашишдек эзгу одатига асосан эҳтиёж-манд оилаларнинг ҳолидан хабар олинди. Аввало, пан-демия шароитида дарома-дини йўқотган, қийналган оилалар рўйхати шакллан-тирилди. Аниқланган 388 та оилага сектор раҳбари таша-ббуси билан ҳомийлар би-риктирилди. Уларга берил-ган ёрдамнинг салмоғи ҳам кичик бўлмади. Озиқ-овқат, рўзғор буюмлари кўриниши-да берилган саховат кўмағи қўллаб хонадонларнинг дар-дига даво бўлди. Шунинг-дек, муайян даромадга эга бўлмаган, моддий жиҳатдан қийналиб қолган 200 дан ортиқ эҳтиёжманд оилаларга 210 миллион сўм пул маб-лағи тарқатилди.

Оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш орқа-ли масалани тубдан ечи-ш мумкин эмаслиги аён. Шу боис юқоридаги ишларга ҳамроҳ равишда аҳоли бандлигини таъминлаш бў-йича ҳам чора-тадбирлар белгиланди. Бир йил ичида эҳтиёжманд оилаларнинг 24 таси доимий даромадга

эга бўлди. Уларнинг кўпчи-лиги оилавий тадбиркорлик-ни бошлаб юборди.

Яширишга не ҳолат, кам-бағалликнинг бош сабаби – ишсизлик. Бандликни таъ-минлаш ўтқир муаммолар-дан бири. Айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда ан-чагина уринишга тўғри кел-ди. Лекин излаган имкон то-пади, деган нақл яна бир бор исботини топди. Фермерлар билан келишилган ҳолда, 50 нафарга яқин ёшларга бир гектардан ер ажратиб берилди. Натижада ёшлар ўз хонадонидан узоклашмасдан туриб иш билан таъминлан-ди. Оиласи даромадга эга бўлди. Бозорларимизга эса қўшимча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқарилди.

– Менга ҳам бир гектар ер ажратиб берилди, – дейди Гулбулоқ маҳалласида исти-қомат қилувчи Муроджон Қўшбоқов. – Ўтган йили икки марта ҳосил олдим. Дастлаб эл дастурхонига 20 тонна картошка етказиб бердик. Такрорий экин сифатида помидор эдик. 40 тоннага яқин помидор Тошкент, Гу-листон, Сирдарё шаҳарлари-даги бозорларга етказилди. 25 миллион сўм даромад қилдик.

Туманда қурилиш ишлари авж олгани боис 80 нафар ишсиз ёшлар қурилиш отряд-ларига жалб қилинди. Йил охирида ҳисоб-китоб қилин-ганида, 500 нафардан ортиқ ишсиз ёшларнинг бандлиги таъминлангани маълум бўл-ди. Бу шунча оиланинг қозо-ни қайнади, дегани.

Камбағалликдан чиқариш-нинг яна бир йўналиши си-фатида субсидиялар ажра-тиш белгилангани ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Сектор ҳудудидаги 43 та оилага 200 миллион сўм субси-дия ажратилгани уларга ўз тадбиркорлигини бошлаш имкониятини тақдим этди. Субсидия орқали уларнинг 23 нафари ўз хонадон-ида иссиқхонага эга бўлди. 28 нафар аёлга эса тикув машиналари, чорва ёки тад-биркорлик учун зарур жиҳоз-лар тақдим этилди.

Бу борадаги ишлар да-вом этмоқда. Ҳозирги кунда камбағаллик рўйхатидаги 19 та оила билан манзилли ишлар олиб борилмоқда. Уларни тадбиркорликка йўналтириш ишлари бош-лаб юборилган.

**Абдурахмон  
МУСТАФОҚУЛОВ.  
«Postda» мухбири.**

*Сирдарё вилояти.*



### Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига 2021/2022 ўқув йили учун ўқишга ҳужжатларни топшириш

#### ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Кундузги таълим шаклига ёши ўн саккиздан кичик ва йигирма бешдан катта бўлмаган, шу жумладан, йигир-ма беш ёшгача бўлган ички ишлар органлари ходимлари, Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ҳамда ҳарбий академик лицейлар битирув-

чилари, шунингдек профилактика (кат-та) инспекторларининг жамоат тартиби-ни сақлаш бўйича ёрдамчилари танлов асосида ўқишга қабул қилинади.

Ҳужжатлар 2020 йилнинг 15 ноябрь куни-дан 2021 йилнинг 15 февраль кунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар

вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари Кадрлар бошқармаларида қабул қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси**



УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# Спорт и физическая культура – гарантия здоровья

«Мы гордимся нашими спортсменами, внесшими огромный вклад в приумножение авторитета и славы Узбекистана на международной спортивной арене. Вместе с тем, не ограничиваясь лишь успехами в высшем спорте, нам необходимо уделять большое внимание и массовому спорту...»

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Физическая культура и спорт являются основополагающими для ведения здорового образа жизни. Помимо деятельности медиков, направленной на сохранение здоровья, физкультура и спорт способствуют не только хорошему самочувствию, но и укреплению организма в целом, продлевают годы жизни, способствуют успешному выполнению поставленных целей и задач.

В современных условиях, когда все больше людей подвержены малоподвижному образу жизни, а физический труд заменяется компьютеризированными системами и роботами, учащаются проблемы со здоровьем, растет употребление продуктов с высоким содержанием соли, сахара, жиров, мучных блюд. И коронавирусная ин-



последовательные меры по популяризации физической культуры и спорта, пропаганде среди населения здорового образа жизни, созданию необходимых условий для физической реабилитации лиц с ограниченными возможностями и обеспечению достойного выступления страны на международной спортивной арене.

фекция протекает особенно тяжело у людей с избыточным весом, сердечно-сосудистыми и респираторными заболеваниями.

В связи с этим, под руководством главы нашего государства определен и осуществляется принципиально новый подход к существующей проблеме.

В Указе Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию и популяризации физической культуры и спорта в Республике Узбекистан» от 24.01.2020 г., в частности сказано о том, что в стране в последние годы осуществляются



активный и здоровый образ жизни граждан выражается и в занятиях физкультурой и спортом, и в производственной гимнастике, которую проводят в учреждениях и на предприятиях. Во всех районах страны ежеквартально организуется конкурс на определение лучшей махаллы, пропагандирующей здоровый образ жизни. На всеобщем подъеме к активным занятиям спортом привлекаются сотрудники госорганизаций и структур, для которых в служебное время выделяются специальные перерывы для выполнения производственной гимнастики. Таким образом, стремление к физическому оздоровлению и

укреплению организма стало нормой дня в государственных масштабах. В органах внутренних дел, как и в других силовых структурах, физическая культура и спорт имеют первостепенное значение. Деятельность сотрудников ОВД основана на действиях в условиях сложной криминальной обстановки, жестокости и агрессивного поведения правонарушителей. Ответственность задач, решаемых в таких условиях, определяет требования, предъявляемые к сотрудникам, системам их обучения и подготовки, обуславливает наличие у них комплекса профессиональных знаний, навыков и умений, которые, с одной стороны, максимально приближены к реалиям практической деятельности, с другой – надежны и эффективны.

Для поддержания правопорядка и успешной борьбы с преступностью требуются не только юридическая подготовка, но и готовность к ведению рукопашного боя, применение приемов самбо, дзюдо, эффективное использование оружия.

Длительный процесс вхождения в систему МВД Республики Узбекистан уделяется самое пристальное внимание. Согласно соответствующим приказам МВД, проводятся занятия по физкультуре и спорту. Среди женщин – два раза в неделю (понедельник-четверг) занятия проводятся в спортивном зале МВД. В тренировочный процесс входят: гимнастика, отработка приемов рукопашного боя, кураш, волейбол, мини-футбол. Также проводятся занятия в обновленном тренажерном зале. Виды спорта попеременно меняются. Мужчины разделены на две группы, которые занимаются в спортивном зале МВД и СОК ЖАР МВД. Занятия проводятся по футболу, волейболу, рукопашному бою, курашу, боевому самбо, боксу и карате.

На сегодняшний день 476 действующих сотрудников органов внутренних дел одержали победы на спортивных соревнованиях республиканского и международного уровня. Все они – наша гордость и слава. Среди прославленных спортсменов – подполковник Ш. Анваров (фудокан карате), подполковник С. Петрянин (дзюдо), заслуженный спортсмен Узбекистана подполковник Е. Тулупова (самбо), подполковник Р. Ибрагимов (национальный кураш), младший сержант Ф. Рузиев (боевое самбо), сержанты Д. Жумаев, Ш. Турсунов, рядовые Н. Умарова и М. Эргашева (рукопашный бой).

Подводя итог сказанному, отметим, что физическая культура и спорт жизненно важны и необходимы для поддержания и развития здоровья нации, воспитания здорового поколения в духе самосовершенствования и стремления к успеху. В этом отношении у Узбекистана есть огромный потенциал, имеются все возможности, созданы все необходимые условия.

Хафиз ГАШПАРОВ,  
доцент кафедры профессионально-боевой подготовки  
Специализированного филиала  
ТГЮУ.





## ПРАВОВАЯ ПРОПАГАНДА

ПРАВА И ЗАКОННЫЕ ИНТЕРЕСЫ ЛИЧНОСТИ –  
В ЦЕНТРЕ ВНИМАНИЯ

В Республике Узбекистан проводится целенаправленная работа по дальнейшему укреплению законодательной и организационно-правовой базы защиты прав человека, имплементации международных стандартов по правам человека в национальное законодательство.



*На двенадцатом пленарном заседании Сената Олий Мажлиса был рассмотрен вопрос об избрании Уполномоченного Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (Омбудсмана). Было принято решение об избрании Ферузы Фарходовны Эсиматовой Уполномоченным Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (Омбудсманом).*

На основании принятых нормативно-правовых актов значительно расширены права осужденных, отбывающих наказание. В частности, осужденным к лишению свободы за совершение преступлений, не представляющих большой общественной опасности, и менее тяжкие преступления, впервые предоставлено избирательное право; осужденным, отбывающим наказание в колониях-поселениях, предоставлено право на получение пенсий. По линии укрепления защиты прав осужденных расширены меры по обеспечению их личной безопасности в период отбывания наказания, пересмотрены положения о применении физической силы и специальных средств в период проведения обысковых мероприятий. Введен порядок поощрения осужденных в соответствии с критериями справедливой оценки их поведения.

В Закон «Об Уполномоченном Олий Мажлиса по правам человека (Омбудсмане)» внесены изменения и дополнения, направленные на расширение полномочий Омбудсмана в защите прав лиц, находящихся под стражей. Отдельной статьей предусмотрена деятельность Уполномоченного по предупреждению пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания. Согласно законодательству, для содействия деятельности Уполномоченного по предупреждению пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания им создается экспертная группа из числа представителей негосударственных некоммерческих организаций, обладающих профессиональными и практическими знаниями, как правило, в области юриспруденции, медицины, психологии, педагогики, а также в других областях. Уполномоченный

выдает членам экспертной группы специальные направления на право беспрепятственного посещения мест содержания под стражей.

В соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по обеспечению верховенства Конституции и закона, усилению общественного контроля в данном направлении, а также повышению правовой культуры в обществе» от 13 декабря 2019 г. внедрен обязательный порядок видеосъемки действий по задержанию лица, разъяснению ему процессуальных прав, отказу от защитника; на сотрудников правоохранительных органов после задержания ими лица возложена обязанность по незамедлительному уведомлению о его задержании и месте содержания кого-либо из членов его семьи, а при их отсутствии – иных родственников или близких лиц.

Кроме того, Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему усилению гарантий защиты прав и свобод личности в судебно-следственной деятельности» от 10 августа 2020 г. определены основные направления дальнейшего совершенствования судебно-следственной деятельности, предусматривающие: обеспечение безусловного соблюдения прав и свобод личности, повышение качества процессуальных действий, пересмотр системы сбора, закрепления и оценки доказательств в уголовном процессе с учетом стандартов доказывания, широко применяемых в передовой зарубежной практике; широкое внедрение современных информационно-коммуникационных технологий в процесс расследования уголовных дел, повышение кадрового потенциала органов дознания и предварительного следствия; и др.

В течение 2020 г. Уполномоченным осуществлено 76 мониторинговых посещений – 42 пенитенциарных учреждений, 6 следственных изоляторов, 5 специальных приемников для содержания лиц, подвергнутых административному аресту, 9 изоляторов для временного содержания, 8 отделов внутренних дел и 2 центров ОВД по реабилитации лиц без определенного места жительства.

Мониторинговые группы в составе Уполномоченного Олий Мажлиса по правам человека, его заместителя – Уполномоченного по правам ребенка, депутатов Олий Мажлиса, представителей Национального центра по правам человека, ННО посетили 10 пенитенциарных учреждений.

29 декабря 2020 года Президент Шавкат Мирзиёев в Послании Олий Мажлису заявил о том, что «продолжится работа по более широкому



внедрению принципа гуманизма в систему исполнения наказаний... Впредь, если наказание, назначенное лицу, впервые приговоренному к лишению свободы, будет заменено более мягким, то он, вместо определения в колонию-поселение, будет направлен под пробационный надзор. В результате такого послабления 6 тысячам лиц, отбывающим ныне наказание, будет предоставлен шанс жить у себя дома с семьей под пристальным махалли».

Глава государства подчеркнул необходимость кардинального реформирования системы предотвращения пыток в оперативно-розыскной деятельности, органах следствия и исполнения

В заключение можно отметить, что в нашей стране осуществляется системная деятельность по совершенствованию правовой базы защиты прав личности, выполнению международных обязательств в данной сфере, активизации сотрудничества с международными организациями по вопросам защиты прав человека, в том числе и осужденных.

**Габит АЙДАРОВ,**  
зав. сектором Секретариата Уполномоченного Олий Мажлиса  
Республики Узбекистан по правам человека (Омбудсмана).



наказаний, расширения полномочий Омбудсмана, а также усиления общественного контроля в этой сфере. «Палатам Олий Мажлиса следует ежегодно заслушивать отчет Уполномоченного по правам человека о предотвращении пыток и определять необходимые меры по полному искоренению этого крайне негативного явления», – отметил Президент.

В январе 2021 года на заседании Комитета по вопросам обороны и безопасности Законодательной палаты обсуждалось обеспечение исполнения задач, намеченных в обращении Президента к Олий Мажлису, по гарантированной защите прав и свобод человека, последовательному продолжению реформ, направленных на обеспечение верховенства закона.

Согласно информации с сайта парламента, в целях предотвращения пыток в ходе оперативных, розыскных и следственных мероприятий, беседы и допросы с лицами, задержанными и доставленными в ОВД, проводятся в 484 новых помещениях для допросов. В следственных отделах созданы помещения для адвокатов, где они могут встречаться с подзащитными без средств видеонаблюдения и прослушивающих устройств. В кабинетах следователей в следственных изоляторах установлены звукозаписывающие средства и камеры видеонаблюдения, отвечающие современным требованиям.

Для обеспечения прозрачности условий содержания заключенных, отбывающих наказание, предотвращения негативных фактов, связанных с оказанием физического давления, 54 учреждения по отбытию наказания в системе оснащены устройствами видеонаблюдения в количестве 3 280 единиц. 2 203 из них установлены в местах проживания заключенных, 432 – на производственных площадях, 645 – на внешней административной территории.



АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА

Пойтахтимиздаги «Адиблар хиёбони»да ИИВ соҳавий хизматлари, таълим муассасалари ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари иштирокида буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Рустам Хатамов буюк бобокалонимизнинг нафақат мамлакатимиз адабиёти ва санъати, балки бутун дунё маданияти ривожига улкан ҳисса қўшганлигини таъкидлаб, инсон қайси соҳада фаолият юритмасин, маънавиятга эҳтиёж сезишига, Навоий ижоди эса бу борада бебаҳо маънавий хазина эканлигига эътибор қаратди.

Маърифий тадбирда сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир Нодир Жонузоқов ўз даврида бошқа тиллар қатори туркий тилнинг ҳам кенг имкониятларини намоён қилишда ушбу зотнинг хизматлари беқиёс бўлганлигига мисоллар келтирди. Сўнг ўзининг Навоийга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Робия Ражабова ўз сўзида улғу шоир 16 та жанрда самарали ижод қилиш билан бирга, давлат ишларига, ички сиёсат ва ҳарбий соҳага ҳам катта эътибор қаратганлигига батафсил тўхталиб ўтди. Олима буюк аждодимизнинг тарбиявий аҳамиятга эга бўлган пурмаъно ҳикматлари ҳамда инсонийлик фазилатлари билан нафақат Марказий Осиёда, балки, жаҳон миқёсида шуҳрат қозонганлигини илмий асосларга таянган ҳолда мисоллар билан таъкидлади.

Тадбирда бугунги кунда ички ишлар органларининг соҳавий хизматларида фаолият кўрсатаётган ёш ходимлар буюк шоирнинг рубойи,



УЛУҒ ЗОТГА ЭҲТИРОМ

ғазал ва қитъаларидан намуналар ёд айтди.

— Мутафаккир бобомизнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки дунё адабиёти ривожига алоҳида ўрин тутади, — дейди ИИВ Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Азамат Ақромалиев. — У кишининг асарларида юксак умуминсоний ғоялар, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси

ва латофати билан намоён этиб, китобхонлар қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда.

Шунингдек, тадбир доирасида осойишталигимиз посбонлари учун китоб ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Соҳавий хизматлар ходимлари ва таълим муассасаларининг ўқувчи-ёшлари ўзларини қизиқтирган ижтимоий-сиёсий, тарихий асарларни, юртимиз ва жаҳон адабиётининг дурдоналарини харид қилишди.

— Ҳаётимда эришган ютуқларимда билим манбаи бўлмиш китобнинг ўрни беқиёсдир, — дейди ИИВ Кадрлар бош бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича инспектори, капитан Дилшод Ҳакимов. — Бугун ҳам ўзим учун маънавий қиймати бебаҳо китобларни харид қилдим, деб ўйлайман.

— Миллатимиз маънавиятининг ривожига муносиб ҳисса қўшган аждодларимизга ҳурмат бажо келтириш фуқаролик бурчимиздир, — дейди ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси катта психологи, капитан Рустам Олимов. — Шу сабабли бугун ҳам мазкур ҳаётий ҳақиқатга амал қилган ҳолда ўз маънавиятимизни янада бойитдик.

Мазмунли ва кўтаринки руҳда ўтган тадбирда буюк сиймо ҳайкали пойига иштирокчилар томонидан гулчамбарлар қўйилиб, улғу зотга юксак эҳтиром кўрсатилди.

Михил САФАРОВ, «Postda» мухбири. Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар.



ЭҲТИРОМ

БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАР НАФАҚАГА КУЗАТИЛДИ

Ички ишлар вазирлиги «Жар» спорт-соғломлаштириш комплексига узоқ йиллар самарали хизмат қилиб, ўзининг ҳалоллиги ва фидойилиги билан ёшларга ўрнак бўлиб келган Амангелди Темирбаев ва Давронбек Қурбонбековни нафақага кузатиш тадбири бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда Комплекс раҳбари, полковник Тоҳиритдин Наджимов фахрийларни вазирлик раҳбарияти номидан табриклаб, келгуси фаолиятида уларга зафарлар тилади. Уларга миллий тўн кийдирилиб, совғалар тақдим этилди.

Кузатиш маросимида фахрийларнинг ҳамкасблари, шогирдлари ҳам сўзга чиқиб, улар ҳақида илик

фикрлар билдиришди. Ўз навбатида, фахрийлар ҳам бундай эҳтиром учун раҳбариятга, ҳамкасбларига миннатдорлик билдириб, ҳар бир ходимга эъзозда, ёруғ юз билан нафақага чиқиш насиб этишини айтишди. Ҳамкасбларига халқ осойишталиги йўлида ҳормай-толмай хизмат қилишини тилашди.

Ўз мухбиримиз.



ТИЛ — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

*Сўз бамисоли чарақлаган юлдуз, оқиб ётган дарё, эсиб турган шамол каби ҳамманики. Ҳеч ким ҳеч кимга, ҳеч бир халқ бошқа ҳеч бир халққа, менинг сўзимни олдинг, ўзгартирдинг, буздинг, дея даъво қилмайди. Руслар фиръавни фараон, Бобилини Вавилон, Сурияни Сирия деб айтсалар, бизнинг исмларимизни Кадыр, Таджи, Гулям деб талаффуз қилсалар биров, ҳай, нима қилисан, демайди. Чунки бу ҳол кўпга келган тўй. Ўзимиз ҳам талай хоржий сўзларнинг додини берганмиз.*



«КАМИНА МУХБИРМАН» ДЕЯ КЎРМАНГ

Куйрайдиган қуролимиз курак, ички аъво ичак, гул тубуда турадиган идиш тубак — биз уни тувак деймиз — эканини билиши қийин эмас, лекин кўксимизда гурчиллаб турган юракни юрак дейиши тўғриси ёки урак? Юрак юрадимиз, урадимиз? Кўкрак-чи? Нега кўксимизни шундай атаймиз? Кўксим осмон, дегандек бу ном кўк, яъни осмон билан боғлиқми? Ундок десак, эмикдош маъносини аниқлашувчи кўркадош сўзидаги кўк ўзгаги нисбани аниқлатади? Кўкракка алоқаси йўқмикан?.. Бундай жумбақлар юзлаб, минглаб сўзларимиз замирида ётибди. Улар бизни қийнаши, уйқу бермаслиги керак, Маҳмуд Қошғарий бобомизнинг китоби ёстигимиз остида бўлмаги керак.

Маош деганда биз бугун ойлик иш ҳақини тушунаемиз. Аслида бу сўзнинг маъноси тириклик, ҳаёт кечирishi, яшамокдир. Ҳазрат Навоий ҳам «Маош

айламак аждаҳо қомида», дея бу сўзни худди шундай маънода айтганлар. Яъни шох ҳузуринида унинг истакиродаси билан яшамок аждаҳо оғзида тириклик қилмок билан баробар.

Бизга таниш ҳамма сўзлар ҳам биз тушуниган маънони аниқламайди. Агар Ҳиндистонга журналист сифатида борган бўлсангиз зинҳор базинҳор «камина мухбирман» дея кўрманг. Мен ярамас жосусман, деган бўласиз. Чунки «камина» тубани, насткаши маъносини аниқлатади. «Мухбир» эса айёғоқи демакдир. Яна бир маслаҳат, ҳиндистонлик дўстингизни ватанга таклиф қилмоқчи бўлсангиз, асло сенга таклиф олиб келдим ёки таклиф юбораман, деб айтманг. Негаки, таклиф сўзи қулфат келтиришини аниқлатади.

Эркин ВОҲИДОВНИНГ «Сўз латофати» китобидан.



## ХИЗМАТЛАРДА

ЗАВОДДАН ИСТЕЪМОЛЧИГАЧА:  
ХАВФСИЗ ВА ИШОНЧЛИ

**Нефть маҳсулотлари ҳар давлатнинг иқтисодий ривожланишида, халқ фаровонлигининг таъминланишида муҳим ўрин тутди. Бу ресурснинг қанчалик катта аҳамиятга эгаллигини нефть маҳсулотлари тақчиллиги натижасида келиб чиқадиган жараёнда яққол англаш мумкин. Ҳатто нефть маҳсулотларини истеъмолчиларга олиб кетаётган вагонларнинг ҳуқуқбузарлик ёки бошқа сабаб билан йўлда бироз тўхта қолиши ҳам иқтисодиётга яхшигина зарар етказди.**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспортда хавфсизлиқни таъминлаш бош бошқармаси Нефть маҳсулотларини кузатиш батальони ходимлари ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, нефть маҳсулотларини белгиланган манзилларга ўз вақтида

етиб боришини таъминлашга масъул. Улар зиммасига темирийўллар орқали етказиб берилаётган нефть маҳсулотлари талон-торож қилинишининг олдини олиш, темирийўл ҳудудларида жамоат тартиби ва хавфсизлиқни таъминлаш, террорчилик, қўрувчи-

лик ҳаракатларининг олдини олишдек масъулиятли вазифалар ҳам юкланган. Мазкур вазифалар муваффақиятли бажарилишига батальоннинг 6-отряди Тошкент бекати шахсий таркиби муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Отряд ходимлари транспортда хавфсизлиқни таъминлаш бўлимлари, темирийўл тузилмалари ва ҳарбийлаштирилган кўриқлаш хизмати билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйгани боис нафақат нефть маҳсулотлари

ортилган вагон цистерналари, балки темирийўл орқали ташилаётган барча давлат мулклари ишончли кўриқлашиб, истеъмолчиларга кам-кўстисиз етказиб берилмоқда.

Отряд шахсий таркиби томонидан ўтган йили Поп – Ангрен ҳамда Ангрен – Ховос темирийўл йўналишлари бўйича нефть маҳсулотлари ортилган 31520 та вагон цистерна манзилгача кузатиб борилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Афсуски, айрим фуқаролар томонидан нефть маҳсулотлари ортилган поездлар ҳаракатига халақит қилиш, билиб-билмай ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари кузатилмоқда. Айрим фуқаролар темирийўл кесишмаларини белгиланмаган жойдан кесиб ўтиш, поезд ҳаракатланаётганда темирийўлда юришгача бориб етишган. Хусусан, ўтган йилда темирийўл кесишмаларини нотўғри жойлардан кесиб ўтганлиги ҳамда темирийўл атрофида бемақсад юргани учун 25 нафар фуқаро Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари бўйича жазоланди. Қоидаларни бузганлиги учун уларга ҳужжатлар расмийлаштирилиб, зарур профилактик суҳбатлар ўтказилди.

**Шерзод САЪДУЛЛАЕВ,**  
**ИИБ ТХТББ Нефть маҳсулотларини кузатиш батальони 6-отряди командири, капитан.**

## ЖАРАЁН ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Қамаши тумани ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасида жорий йилнинг 1 январидан эътиборан ID-карталар бериш бошланди.**


Бўлинма бошлиғи, майор Чорийёр Маҳмудовнинг таъкидлашича, бугунги кунга қадар туман бўйича ID-карта олиш истагида мурожаат қилган 346 нафар шахсга ана шундай намунадаги карталар тақдим этилган. Энг асосийси, бўлинма ходимлари томонидан аҳолига хушмуомалалик билан хизмат кўрсатилиб, уларнинг талаб ва тақлифлари инobatга олинмоқда.

– Мен ID-карта олиш жараёнида ҳеч қандай қийинчилик ва муаммоларга дуч келмадим, – дейди «Самарқанд»

маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаро Тоҳир Тошпўлатов. – Айниқса, ходимлардаги самимийлик ва ўз ишига бўлган масъулият юқори даражада.

Ҳозирга қадар 2236 нафар фуқаро хоригча чиқиш биометрик паспорти билан таъминланди. Муҳими, бўлинмага хоригча чиқиш истагини билдириб мурожаат қилган фуқаролар тегишли ҳужжатларни тақдим қилганидан сўнг 10 иш кунида паспортлар ўз эгаларига топширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида паспортини йўқотган



274 нафар фуқаро тегишли тартибда паспорт билан таъминланди. Шунингдек, тумандаги аҳоли миграцияси жараёни ҳам ҳар ойда таҳлил қилиб борилмоқда. Ҳозиргача қўшни туман ва вилоятлардан доимий яшаш учун келган 3156 нафар фуқаро паспорт ҳисобига киритилди ҳамда бошқа вилоятларга доимий яшаш учун келган 3156 нафар фуқаро паспорт ҳисобига киритилди. Шу билан бирга, 120 нафар шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ҳақидаги илтимосномалари қонун ҳужжатлари талаблари асосида кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш

учун вилоят ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига юборилди. Улардан 92 нафарига Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилди.

Шунингдек, МДХ давлатларидан келган 108 нафар фуқаро вақтинчалик рўйхатга олинди. Бир нафар фуқаролиги бўлмаган ҳамда бир нафар чет эл фуқаросига Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномалари расмийлаштириб берилди. 6 нафар чет эл фуқаросига нисбатан Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун маъмурий баённомалар тузилиб, қонуний равишда жаримага тортилди. Бир нафари

эса, мамлакатимиз ҳудудидан чиқариб юборилди.

Ҳудудда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда паспорт тартиботини мустақамлаш юзасидан «Паспорт-виза» профилактик-огоҳлантирув тадбирлари мунтазам ташкил этиб келинмоқда. Бугунгача 369 та объектда текширишлар ўтказилди, 516 нафар фуқаро паспорт тизими қоидаларини бузгани аниқланиб, уларга нисбатан тегишли маъмурий чоралар кўрилди.

**Михли САФАРОВ,**  
**«Postda» мухбири.**  
Қашиқадарё вилояти.





ТРЕТИЙ СЕКТОР

# Когда чувствуешь поддержку и понимание

Человек, оставаясь один на один со своими проблемами, может впасть в уныние, потерять веру в хорошее, силы. В такие минуты его надо поддержать, помочь решить возникшую проблему и вытащить, так сказать, из этого состояния. Одним из направлений деятельности секторов, в том числе и третьего, является помощь тем, кто в этом нуждается. До сегодняшнего дня третий сектор показал себя как действенный и эффективный метод в изучении проблем населения и их решения.

На днях начальник УВД Сурхандарьинской области полковник А. Исмоилов – руководитель третьего сектора провел выездной прием в Алтынсайском районе. Им были заслушаны все обращения пришедших жителей махалли Чеп. Отрадно, что в этот день многие, обратившиеся к ру-

ководителю третьего сектора, нашли решение своих проблем на месте. Оперативной работе способствовало и то, что на выездной прием были приглашены полномочные представители ряда организаций, ведомств и предприятий.

В процессе приема поступило более 60 обращений

от населения. К примеру, у одного жителя возникла проблема с оформлением пенсии, трем жителям необходимо было помочь в вопросе выделения льготных квартир. Более десяти обратившихся не могли уладить дело с получением льготного кредита, девять человек пришли с

проблемой, связанной с трудоустройством, еще двое жителей просили материальную помощь. Кроме того, звучали просьбы по выделению земельного участка для занятия предпринимательством, а также по вопросам газовых баллонов, электроснабжения, улучшения дорог, кадастра.

Одному жителю в тот же день помогли в вопросе трудоустройства. В связи с тем, что у жительницы махалли Чеп, Халимы Бойкуловой, большая семья, им был выделен дополнительно газовый

баллон. Более 300 метров дороги на улице Зафаробод было отремонтировано, что не могло не порадовать местное население. Помимо этого, более 200 махаллинцев прошли медицинский осмотр, который организовали в санатории «Хужайпок». Материальная помощь оказана нескольким жителям данной махалли, также некоторые получили от спонсоров наборы продуктов питания.

В заключение хотелось бы добавить, что, невзирая на непростые задачи, возложенные на сотрудников органов внутренних дел, руководителями третьих секторов уделяется пристальное внимание вопросам обращений граждан, прикладываются все силы и возможности для решения проблем населения, что является благом делом. Это говорит о том, что ни одно обращение, ни одна просьба не остаются вне поля зрения.

Азиза ЖАНИЕВА,  
корреспондент «На посту».



ИЗ ЗАЛА СУДА

## Справедливо? Справедливо!

В ходе заседания были рассмотрены административные правонарушения, связанные с ношением и транспортировкой колюще-режущих предметов.

К примеру, у одного из подсудимых – уроженца столицы, 46-летнего Батыра, при проверке автомобиля на посту ДПС правоохранители обнаружили складной нож. Объяснить, для чего он держал его в машине, мужчина не смог. Суд признал его виновным в совершении правонарушения и назначил наказание в виде административного ареста сроком на 5 суток, согласно статье 185<sup>2</sup> Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности «Ношение холодного оружия или предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия».

Также прошли слушания по двум уголовным делам.

В первом рассматривалось дело 21-летнего уроженца Самаркандской области Дилмурода. Молодой человек, будучи в состоянии сильного алкогольного опьянения, нанес телесные повреждения сотруднику органов внутренних дел, который находился при исполнении служебных

В конце января текущего года в Бектемирском районном суде по уголовным делам под председательством судьи Акмаля Мирзаханова состоялись слушания дел по административным правонарушениям и уголовным преступлениям.



обязанностей и пытался успокоить его в одном из торговых центров района. Инцидент был зафиксирован камерой видеонаблюдения. Суд признал обвиняемого виновным в совершении преступления, предусмотренного частью 2 статьи 105 Уголовного кодекса Республики Узбекистан («Умышленное средней тяжести телесное повреждение»). Приняв во внимание

его семейное положение, суд приговорил молодого человека к трем годам домашнего ареста.

Во втором случае рассматривалось дело подсудимого Эльдоржона, обвиняемого в незаконном обороте наркотических средств, а именно гашиша, 17 граммов которого изъяли сотрудники правоохранительных органов. Изучив материалы дела, суд признал подсудимого виновным в совершении преступления, предусмотренного частью 2 статьи 276 («Незаконное изготовление, приобретение, хранение и другие действия с наркотическими средствами, их аналогами или психотропными веществами без цели сбыта») Уголовного кодекса Республики Узбекистан и приговорил к трем годам лишения свободы в колонии общего режима. После вынесения приговора подсудимого взяли под стражу прямо в зале суда.

Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,  
корреспондент «На посту».



## ОДАМ САВДОСИ – ОЛАМ МУАММОСИ

Афсуски, сўнги пайтларда мамлакатимизда чақалоқ савдоси билан боғлиқ ҳолатлар қайд этилиб турилибди. Бундай жиноятларнинг олдини олиш ва содир этилганларини фош қилиш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шу тарих айдорларнинг қонун олдида жавоб бериши, жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланаяпти. Қуйидаги воқеа ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

## ТОШБАҒИР ОНА

## Ўз фарзандини сотмоқчи эди...

Каттакўрғонлик Салим ака ва Мадина опа (воқеа иштирокчиларининг исми-шарифлари ўзгартилди) бошқа фарзандлари қатори қизи Шахлога ҳам меҳр-муҳаббат кўрсатиб, келажақда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун шарт-шароит яратиб беришди. Аммо бундай ғамхўрлик ва эътиборнинг қадрига етмаган қиз ўжар ва ишқўмас бўлиб вояга етди.

Шу зайлда ҳаёт тарзини давом эттирган ҳикоямиз «қахрамони» Жасур исмли йигитга турмушга чиқди. Аввалига ота-онанинг кистови биланми ёки ёш келинлиги учун уялганданми, рўзғор ишларини бир амаллар эди. Бироқ «Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас» деганларидек, орадан бироз вақт ўтиб, Шахлонинг дангасалиги тутди. Овқат қилса, кийимлари ювилмаган, уй йиғиштирилса, идиш-товоқлар ювилмаган...

Хуллас, унинг ҳар кунги чала ишларидан тоқати тоқ бўлган турмуш ўртоғи хотинига танбех беришдан ўзга чора топа олмади. Бу каби келишмовчиликлар эса уларнинг ўртасига совуқчилик тушира бошлади. Хатосидан тўғри хулоса чиқармаган Шахло

эрига гап қайтариб, тинимсиз айтишарди. Оқибатда эса турмушнинг синовларига бардош беришни хоҳламаган оила бекаси ўғли Санжарни олиб, ота уйига қайтиб келади.

Келин-куёвнинг ота-оналари уларни яраштириш учун анча ҳаракат қилишди. Лекин барча уринишлари фойдасиз кетди. Эри оилани сақлаб қолиш учун ярашишга рози бўлса-да, аммо Шахло бунга хоҳламас эди. Шу тариқа ёш оила барбод бўлади.

Шахло энди отасининг хонадонидан фарзандини тарбиялаб, рўзғор ишларига ёрдам бериш ўрнига кўчадан бери келмас эди. Бу ҳам етмагандек, фохишалик қилиб, маҳалла-қўй ва яқинлари олдида ота-онанинг юзини ерга қаратади. Бунга чидай олмаган Салим ака ва Мадина опа «Бундай қизимиз йўқ» деб уни кўчага ҳайдайдилар.

Шундан сўнг Шахло Сардор исмли шахс билан шаръий никоҳдан ўтиб яшай бошлади. Бу орада ўғли Санжар уч ёшни қарши олади. Шахлонинг топганлари рўзғор харажатларига етиб-етмас, Сардор эса деярли унга кўмаклашмасди. Бундан ташқари, турли хил қимматбаҳо тақинчоқлар ва

кийим-кечакларни хуш кўрувчи Шахлонинг орзуларини амалга ошириш учун анча-мунча пул керак эди.

Ўзининг моддий манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бу аёл мўмай даромад илнжиди ягона фарзандини сотишга қарор қилади. Фараз ниятини тезроқ амалга ошириш учун танишларига бу ҳақида хабар бериб, бола олишга эҳтиёжи бор оила топишларини сўрайди. Уларнинг бундай иш жиноят эканлиги, бунинг учун жазога тортилиши тўғрисидаги гаплари Шахлонинг парвойига ҳам келмайди. Шундан сўнг унга уқтириш бефойда эканлигини тушуниб етган танишлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимларига хабар беришади.

Яна бир норасиданинг одам савдоси қурбони бўлишининг олдини олишга ҳаракат қилган осойишталик посбонлари томонидан тезкор тадбир ўтказилишади. Харидорлар Шахлога кўнги-роқ қилиб, анчадан бери фарзандли бўла олмаётганлигини айтиб, боласини уларга беришини сўрашади. Аммо пул деса, ўзини томдан ташлайдиган тошбағир она ўғлини сотмоқчи эканлигини айтади.



Шундай қилиб, улар ушбу туманнинг Пайшанба шаҳарчасида жойлашган кафеларнинг бирида кўришиб, ўзаро келишувга ўтишади:

– Синглим, ўғлингиз учун қанча сўрайсиз, – дейди оила бошлиғи сифатида гапни бошлаган Улугбек.

– 2500 АҚШ доллари бера-сизлар, – дейди пинагини ҳам бузмаган Шахло.

– Жуда кўп сўраяпсиз, – дейди худди нарх талашаётгандек, қилиб ўзини кўрсатган Санобар.

– Бўлмаса, сизларга берадиган ўғлим йўқ, бошқага сотаман, – дейди жиддий-лашган Шахло.

Ўртадаги узоқ тортишувлардан сўнг Шахлонинг шартига рози бўлишган хари-

дорлар эртаси куни кечкурун тумандаги «Кадан» маҳалласи ҳудудига келишилган пулни олиб келиши ва болани ўзлари билан олиб кетишини айтади. Шахло ҳам бунга рози бўлади.

Ўртадаги келишувга кўра, ўзининг жигаргўшасини ўзгаларга пуллаётган бағритош она айтилган пулларнинг 1500 АҚШ долларини олаётган пайтида ички ишлар органлари ходимлари томонидан қўлга олинади. Эндиликда қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлаётган бу аёл айбига яраша жазо олиши тайин.

Подполковниклар  
Саид САИДАЗИМОВ,  
Асқарали МУСИНОВ.

## ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

**Бугун юртимизда ҳар бир фуқаронинг эркин ва фарвон яшashi учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, ёшларнинг ўқиб-ўрганиб, баркамол шахс сифатида вояга етиши ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча имкониятлар эшиги очилган. Аммо бунга назар-писанд қилмай, тўқликка шўхлик қабилда иш тутиб, тўғри йўлидан адашиб, жиноятлар кўчасига кириб қолаётган айрим «эркатойлар» борлиги ачинарли ҳолдир. Гап шундай ёшлардан бирининг қилмиши хусусида.**

Ғиждувонлик А.И. (исми ўзгартилди) айни билим олиб, бирор касбнинг бошини тутадиган вақти, яъни, ўн олти ёшида амма-си Насибохон қарамоғида қолди. Чунки онаси Россия Федерациясида, отаси жазони ўташ муассасасида муддатини ўтаётганди. Амма ўз оиласидан ортиб, укасининг фарзандига етарлича эътибор қилолмади.

Хуллас, у қаровсиз қолди... А.И. ҳам тенгдош дўстлари каби яхши қийинишни, яхши еб-ичишни хоҳларди. Ўсмирликнинг беқарор кайфиятига

берилган йигитчага оқни қорадан фарқлашни ўргатиб, тергаб турадиган киши бўлмади. Минг афсус...

У шундай кунларнинг бирида А.И. тумандаги қурилиши тугалланмаган бинога фэйриқонуний равишда кириб, кузатув камераларининг симини узиб ташлайди. Эшиги миллион бир юз саксон минг сўмлик икки донга кузатув камераси, бир дондан болгарка, дрель, арава ҳамда икки дондан вибратор ва «АКФА» эшикларини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинади.

Мақкур ҳолат бўйича туман ИИОФМБ тезкор вакиллари суриштирув ишларини олиб боришди. Уларга қўшни дўконларга қўйилган видеокамералар асқатди. Жиноят «иссиқ изида» фош этилди.

Дастанлик тергов пайтида, А.И. фақатгина болгаркани ўғирлаб, уни ўзига олдиндан таниш бўлган фуқарога 100 минг сўмга сотганини, бошқа буюмларни ўғирламагани ҳақида кўрсатма берди. Лекин суриштирув-тергов жараёни давомида қолган буюмларни ҳам ўзи ўғирлаганини тан олиб эгасига қайтарди.

Суд ҳукмига кўра, вояга етмаган ўқувчи Жиноят кодексининг тегишли моддасига кўра, айбли деб топилди ва унга жазо тайинланди. Шу ўринда А.И.нинг қилмиши беихтиёр «Саёқ юрсанг – таёқ ейсан», мақолини ёдга солади.

Мирзокул АҲАДОВ,  
«Postda» муҳбири.

Бухоро вилояти.



САЁҚ  
ЮРСАНГ...



МУЛОҲАЗА

# РУЛДА «ТАЖРИБАЛИ» ЁШ ҲАЙДОВЧИЛАР...


**ЙПХ ходими:** — Автомобилнинг қандай бошқариб келдинг? Ким сенга бошқарувни берди?  
**Ун ёшли бола:** — Дадам.  
**ЙПХ ходими:** — Қандай сенга ишониб топширди?  
**Ун ёшли бола:** — Мен ичганман, сен ҳайда деди.

Бу суҳбат сизни бироз ажаблантириши табиий. Хулоса чиқаришга шошилманг, келинг, яхшиси, ҳолатга батафсил тўхталамиз. Навоий вилояти Қизилтепа туманида ўтақизилган рейд тадбирларидан бирида ЙПХ ходимлари «Матиз» автомобилни тўхтатишган. Буни қарангки, ҳайдовчи ўрнида машинани ўн ёшли бола бошқариб келаётган бўлган. Аниқлинишича, спиртли ичимлик ичгани туфайли ота автоулус бошқарувини 4-синфда ўқийдиган ўғлига топширган.

Очиғи, кейинги вақтларда бундай «тажрибали» ёш ҳайдовчилар билан боғлиқ

ҳолатлар қулоғимизга тез-тез чалинаётгани кўнгилни гаш қилапти-да...

Хусусан, Тошкентда 8 ёшли бола «Ласетти»ни ҳаракатга келтириши оқибатида машина «Макго» супермаркети ичига кириб кетгани, Сурхондарёда 14 ёшли «ҳайдовчи» халқаро аҳамиятга эга йўлда «Лабо»ни бошқараётганидан таажжублансак, Самарқандда 14 ёшли бола бошқарувидаги «Тракер» ИТХга учраши оқибатида «ҳайдовчи»нинг тенгдоши вафот этгани ҳақидаги нохуш хабардан юрагимиз увушгани рост. Аслида бу хабарларнинг ҳар бири кишида хавотир уйғотиб, сергак тортиради.



Шу аснода бир отахон ўғилларининг «уддабурон»лигини пайқаб қолгани ҳақидаги воқеа эсимга тушиб қолди. У шундай деганди: «Негадир бир-икки сафар қутилмаганда ёқилгим тез тугаб, машина панд берди. Бирор жойида носозлик бормикан, дея ҳайрон бўлиб юрган кунларимнинг бирида ишдан ҳориб келиб, кўзим илинибди. Бир маҳал туриб машинамининг у ёқ, бу ёғини кўриб кўяй, деб гаражни очсам, машина йўқ-да. Ҳовлида кичик ўғилларим ўйнаб юрибди. Аммо катталари йўқ... Катта ўғлим машина ҳайдашга роса ишқибозлигини билардим. Аммо бирор марта рулни унга бермаганман. Гаражда кутишга қарор қилдим. Бир пайт кузатиб турсам, не кўз билан кўрайки, катта ўғлим рулда, кўча бошига келиб машинани ўчирди. Қўшни болалар дарҳол машинадан тушиб, уни итариб, ўртанча ўғлим тупроқ кўчада уларнинг ортидан машина изларини супуриб кела бошлади. Индамай гараж эшигини очиб, уларни кутиб олдим. Мени кўрган болалар жой-жойида қотди. Роса койидим... Ёқилги нега тез тугаб қолаётганини ҳам тушундим. Орадан йиллар ўтди, аммо шу воқеа ҳамон хотирамдан ўчмайди.

Ҳозир ўғлим аллақачон бўй этган ўғлига «Кўзингга қараб юр рулда», деса, ёшлиқдаги шўхликлари эсимга тушади. Аммо буни шўхлик ҳам, деб бўлмайди-да... Чунки машинани сўроқсиз миниб чиқиб кетганида бирор нохуш ҳодиса рўй берганида нима бўларди, деган хаёлдан орадан салкам ўттиз йил ўтган бўлса-да, ҳамон чўчиб тушаман...».

Бугуннинг боласи жуда зийрак, билагон ва ўта қизиқувчан. Бу, ўз навбатида, катталар, ота-оналар зиммасига эътиборли бўлиш талабини кўяди. Аммо юқоридагидек «Мен ичганман», дея бошқарувни болага топширишни нима, деб оқлаш мумкин?.. Балки буни «ишонч» деб, қабул қилишимиз керакдир? Балки шиша ичидаги шайтонга бўлган «меҳр»нинг оқибатлари, дермиз... Энг қизиғи, айнан шу ҳолат ҳақида ижтимоий тармоқларда билдирилган «Зўр бола экан-да», «Маладес бола экан, отасини виручат қилибди», «Қизилтепанинг бачаларига гап йўқ», «Зато рулдаги одам ичмаган, 01 бўлмаса керак» каби фикрлардан кейин кулиш керакми ё куйиш... Ҳар ҳолда, катта серкатнов йўлда автомобил бошқариш болалар учун ўйинчоқ ўйнаш эмас.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси 18 ёшдан берилишни ино-

батга олсак, бу борада ўзига яраша талаблар, қолаверса, йўл ҳаракати қоидалари бор. Бунда шовма-шошарлик, қизиққонлик оқибатида бирор нохуш ҳолат келиб чиқмаслигига кафолат йўқ. Моддий зиённи қоплаш мумкиндир. Бироқ инсон саломатлигининг хавф остида қолиши ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳар биримизни ташвишга солиб, юрагимизда оғриқ уйғотилади-ку.

Инсон ҳаёти давомида ҳар бир амали билан донишмандга айланиб боради. Бирор касбнинг бошини тутишни астойдил мақсад қилган шогирд бир кун келиб устоз мақомига етади. Шундай экан, бугун юртимизнинг кенг ва равон йўлларида шамолдек елиб бораётган автомашиналарга ҳавас билан боққан болаларга ҳам «темир тулпор»ларни бошқариш, албатта, насиб қилишига ишонамиз. Бироқ бунгача уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, қизиқишларини жиловлаш, биринчи навбатда, катталар, ота-оналарнинг зиммасида эканлигини унутмаслигимиз керак. Шундагина йўлда юз бериши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олди олинади. Зеро, халқимиз «Ўзини-асраганин асрайди», дея бёжиз айтмаган.


Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,  
«Postda» муҳбири.



## БОБО ЁКИ БУВИ НЕВАРАСИНING ЁНИНИ ОЛСА...

Бола тарбиясида ота-онанинг ўрни муҳим ҳисобланади. Лекин бобо-бувиси билан бирга яшайдиган оилаларда кўпинча онаси фарзандига насиҳат қилса, қилган нотўғри ишлари учун койиси, маълум чекловлар қўйса бувиси боланинг ёнини олиши, эркалатиши бола тарбиясига қандай таъсир кўрсатади?

Ҳар гал ноҳўя хатти-ҳаракати учун онаси уришса ёки айтгани бўлмай бола хафа бўлиб йиғласа, «Кела-қол ўзимга, буving ўргулсин, ойинг бермадимми? Ҳа сени, ойиси, нега бермайсан?», деб болани овулгандай бўладилар. Бундай ҳолларда, яъни фарзанди эрка-тантқиқ бўлиб кетишидан ва ўзини ёмон кўриб қолишидан хавотири ортган она нима қилиши керак?



**Психолог жавоби:**

Буви ва боболарнинг неварасига бўлган муҳаббати ота-онанинг ўз фарзандига бўлган муҳаббатига ўхшамайди. Ота-она боланинг тарбияси ҳақида ўйласа, буви ва боболари меҳри ўта кучлиги сабабли бола учун айни пайтда ҳаммаси яхши бўлишини биринчи ўринга қўядилар. Бундай ҳолларда болани алоҳида хонага кирганида тушунтириш ишларини олиб бориш керак. Зинҳор болани уришиб бўлмайди. Фақатгина тушунтирилади. Бола ота-онаси ва буви-боболаридан меҳр кўргани яхши. Айнан шундай меҳрни кўпчиликдан олган болалар жамиятда ўз ўрнини осон топадиган, ўзига ишонган, салбий ўйлари кам, ҳаётда завқланиб яшайдиган инсон бўла оладилар.

Гўзал ЖАҒАРОВА тайёрлади.



МЕСТО СЛУЖБЫ – КАРАУЛЬНЫЕ ВОЙСКА

# ТЕРПЕЛИВО И МУДРО

**Исход любого дела зависит от профессионализма того, кто берется за его решение. В войсках МВД по обеспечению безопасности в международных аэропортах ответственно относятся к подбору кадров, ведь от этого зависит эффективность службы.**

Капитан Мухаммадали Дадажонов – старший офицер отделения кадров отдельного батальона по обеспечению безопасности в международном аэропорту «Бухара».

Мухаммадали родился 31 января 1978 года в селе Лугумбек Избасканского района Андижанской области. Его отец, Шукуржон, много лет преподавал историю в районной средней школе. Мама, Маликахон, работала воспитательницей в детском саду. Оба сейчас на пенсии.

М. Дадажонов – старший ребенок в семье. Он решил пойти по стопам отца, поэтому поступил на исторический

факультет Андижанского государственного университета, а, окончив его, стал работать в родной школе. Но во время прохождения службы в армии у Мухаммадали сформировалось желание стать профессиональным военным и служить Родине. Он активно занялся спортом, ответственно подготовился к реализации мечты и достиг поставленной цели.

Действительную военную службу по контракту молодой защитник Родины начал в 2003 году в войсковой части, дислоцируемой в Андижане. Ему доверили руководить небольшим подразделением, где

он смог проявить командирские качества. Он опирался на опыт старших сослуживцев, внимательно прислушивался к советам наставников. Благодаря трудолюбию и целеустремленности, герой нашего повествования справился с поставленной перед ним задачей. Руководство по достоинству оценило его усилия и способности и доверило ему непростой участок ответственности. Мухаммадали добросовестно выполнял задания, обрел уважение личного состава. Почти восемнадцать лет капитан М. Дадажонов служит на благо Родины.

– Мои достижения – это, в первую очередь, забота и требования наставника – командующего войсковой частью полковника Шокира Абдумаликовича Худойназарова, – говорит Мухаммадали Дадажонов. – Он всегда подчеркивал, что человек должен

любить свою страну, верно служить, быть самоотверженным, не жалеть сил для ее развития. Горжусь, что являюсь его воспитанником.

– Капитан М. Дадажонов – дисциплинированный, решительный и опытный офицер. Он является примером для своих учеников, которые стараются во всем быть на него похожими. Он гордость нашего коллектива, – отметил начальник отделения по воспитательной и идеологической работе майор Расул Саидов.

Мухаммадали – активный участник массовых мероприятий, награжден почетными грамотами, отмечен руководством.

Полнота человеческого счастья зависит от атмосфе-



ры, царящей в семье. Наш герой – примерный семьянин. Терпеливо и мудро, с любовью он относится к близким. Его жена, Донохон, обладает силой духа, самыми лучшими человеческими качествами, которые вкладывает в детей.

**Мирзокул АХАДОВ,**  
корреспондент «Postda».  
Бухарская область.

ПЕРЕД ЗАКОНОМ ВСЕ РАВНЫ

## СЛУЖЕБНЫЙ ДОЛГ ОБЯЗЫВАЕТ: ЧЕСТНОСТЬ ПРЕВЫШЕ ВСЕГО

**Удручает то, что некоторые, руководствуясь стереотипами, пытаются уладить свои дела, найдя «нужного» человека, или добиться желаемой цели путем подкупа должностного лица N-ной суммой, то есть взяткой. В этот момент, видимо, они не понимают, что совершают преступление.**

В то время как в статье 211 Уголовного кодекса Республики Узбекистан отмечено, что «... дача взятки, то есть заведомо незаконное предоставление должностному лицу государственного органа, организации с государственным участием или органа самоуправления граждан лично или через посредника материальных ценностей или имущественной выгоды за выполнение или невыполнение в интересах давшего взятку определенного действия, которое должностное лицо должно было или могло совершить с использованием своего служебного положения, – наказывается штрафом от пятидесяти до ста минимальных размеров заработной платы или ограничением свободы от двух до пяти лет, либо лишением свободы до пяти лет».

Сотрудникам органов внутренних дел в ходе несения службы, к сожалению, приходится сталкиваться с различного рода ситуациями, когда граждане, сами допуская нарушение закона, пытаются «замаять» это дело, толкая представителей правоохранительных органов на преступ-

ление. Это при том, что сотрудник является правозащитником и борется с преступностью. На его плечах – служебный долг, данная присяга и обязанности.



На официальном веб-сайте МВД Республики Узбекистан недавно толкнулась на материалы, в которых приводились случаи, связанные с попыткой дачи взятки сотруднику органов внутренних дел. Так, к примеру, в Навои был задержан гражданин, пытавшийся дать взятку сотруднику. Житель МСГ «Аргун» Карманинского района Ш. Р., 1969 года рождения, 13 февраля 2018 года был признан виновным по части 3 статьи 169 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. В связи с этим в отношении

него определено наказание, связанное с ограничением свободы сроком на 4 года 10 месяцев.

31 декабря 2020 года по статье 74 Уголовного кодекса Республики Узбе-

кистан он был приговорен к 2 годам и 12 суткам лишения свободы, и этот срок был заменен исправительными работами с условием удержания 20 % ежемесячной заработной платы в пользу государства.

Старший инспектор группы пробации ОВД Карманинского района 14 января нынешнего года в процессе подворового обхода и ознакомления с условиями жизни, проблемами осужденных, посетил его дом. Но поговорить с поднадзорным сотруднику не удалось, потому как

Ш. Р. был в состоянии алкогольного опьянения. Ближе к вечеру поднадзорный сам явился в отделение и в беседе с сотрудником предложил два миллиона сумов в качестве взятки, в обмен на прикрытие правонарушений, которые могут быть совершены в будущем, а также облегчение условий несения наказания. Страж порядка объяснил, что этим он нарушает закон и его действия могут стать причиной привлечения к уголовной ответственности, но Ш. Р. продолжал предлагать взятку. Инспектору группы пробации ничего не оставалось, как обратиться с рапортом к руководству. В результате осуществленных оперативных мероприятий, проводимых сотрудниками Управления собственной безопасности МВД по Навоийской области, в 20.00 того же дня в кабинете старшего инспектора группы пробации ОВД Карманинского района гражданин Ш. Р. был задержан в момент передачи 890 тысяч сумов в качестве взятки.


По этому факту возбуждено уголовное дело. Идет расследование. Ш. Р., вместо того чтобы встать на путь исправления, сделать нужные выводы и начать жизнь с чистого листа, опять ушел с головой в омут беззакония. Посчитав, что деньги решают все, пошел на такой опрометчивый шаг, в результате этого опять связал себя с преступным миром.

**Азиза ЖАНИЕВА,**  
корреспондент «На посту».





# Детская страничка



Два друга играли в настольный теннис. Они были настолько увлечены процессом, что один из них не рассчитал силу удара, и шарик улетел в сторону и попал прямо во вкопанную в землю трубу. Получается, что шарик оказался на дне полутораметровой трубы. Другого шарика у них не было, поэтому им пришлось придумывать, как достать этот инвентарь. Выкапывать трубу им было нечем – при себе была только большая бутылка с водой. Каким способом ребята сумели достать теннисный шарик?

## ТРИ ДРУГА

Жили в три друга: и . Встретились они однажды и заспорили, кто из них храбрее. «Когда видят мой панцирь или то они сразу убегают», – хвалилась . «А когда я вытягиваю рожки, – расхвасталась , – то меня боится даже !» – «А от моих колючек удирают сразу и , и , и , – сказал . Спорили три друга, спорили и не заметили, как подошли к лесному болоту. Вдруг на прыгнула . Увидели её и мигом превратились в три клубочка. Посмотрела на друзей и проквакала: «Трусы всегда много спорят!» И чтобы закончить сказку, нырнула в .

## Почему трава и растения зелёные?



Ответ на этот вопрос кроется в самих зелёных листьях. Оказывается, что внутри любого зелёного растения содержится вещество под названием хлорофилл. Это вещество необходимо растению для фотосинтеза и имеет ярко-выраженный зелёный цвет. Именно с помощью хлорофилла растение поглощает углекислый газ из воздуха, а взамен отдаёт кислород, благодаря которому мы дышим.


А почему трава зеленеет именно весной? Потому что с наступлением тепла хлорофилл начинает активно взаимодействовать с окружающей средой, окрашивая листья и травинки своим сочным зелёным цветом.

Природа, которая нас окружает, содержит в себе все цвета радуги. Вот почему природу рисовать всегда интереснее, чем что-либо другое. Нарисуйте зелёную траву и представьте, какие интересные процессы происходят внутри неё! Ведь теперь вы уже об этом знаете...

Дорогие ребята, вы, наверное, не раз замечали, насколько красива природа весной: всё вокруг оживает и покрывается сочным зелёным цветом... Почему же растения, и особенно, трава, приобретают весной и летом зелёный цвет?



## СКАНВОРА



## Найди лишний предмет

Зачеркни лишний предмет на каждой картинке. Назови оставшиеся предметы одним словом.





Асадбек Ибрагимов ИИБ Хоразм академик лицейининг биринчи босқичида таҳсил олмоқда. Яқинда умумтаълим фанлари бўйича республика фан олимпиадасининг 1-тур лицей босқичида география фанидан 2-ўринни қўлга киритди ва II-даражали диплом билан тақдирланди. Асадбек аъло ўқиши ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этиши билан бирга спортнинг теннис тури билан мунтазам шуғулланади.

## ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ...



— Етти ёшлигимдан бери спорт билан шуғулланаман, — дейди Асадбек Ибрагимов. — Дастлаб жисмоний тайёргарлик машғулотларида анча қийналдим. Аммо мураббийларимнинг маслаҳатлари менга куч берди. Машғулотларда янада фаол иштирок этишга

ҳаракат қилдим. Интилишим бе-самар кетмади. Теннис бўйича Урганч тумани умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида ўтказилган баҳсларда бир неча бор галаба қозондим. Вилоят мусобақаларида ҳам голиб ва совриндорлар сафидан жой олдим. Шунингдек,

# ЎНИХОЛ

## ёшлар саҳифаси



## КЕЛАЖАГИ БУЮК, ХУР ЎЗБЕКИСТОН!

*Гуллар, чаманзорлар, чўлу биёбон,  
Оламга танилди хур Ўзбекистон.  
Бахтли онларимни, гулгуни чоғимни,  
Бобилга олишмам оддий боғимни.*

*Ўлужбекни дунё танийди буғун,  
Юлдузларга термулиб ўтказарди тун.  
Осмоғу фалакка оҳлари етди,  
Тунги юлдузларни йиғлаптиб кетди.*

*Темур адолатни қўймади дилдан,  
Асло қайтмади у мардлик йўлидан.  
Дунёнинг ярмини эгаллаб олди,  
Ҳар борган манзилга иморат солди.*

*Юксак марраларни бермаймиз қўлдан,  
Улуғ, буюк зотлар чикар бу элдан.  
Мурғак қалб, ҳар бир ёш  
буюк бир инсон,  
Келажаги буюк, хур, Ўзбекистон!*

**Шоҳруҳ ТИЛАКОВ,**  
ИИБ Бухоро академик лицейи  
3-босқич ўқувчиси.

мактабимиздаги «Робототехника» тўғраги машғулотларида ҳам иштирок этиб, Ёшлар Иттифоқи туман кенгаши томонидан ўтказилган «Ёш техниклар» мусобақасида биринчи ўринни қўлга киритдим. Энди академик лицей ўқувчиси, бўлгуси осойишталик посбони сифатида ўз қобилиятимни, иқтидоримни намойиш этишим керак.

Айни кунларда Асадбек спорт машғулоти билан бир қаторда лицей ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган фан викториналари ҳамда «Заковат» интеллектуал ўйинларида иштирок этишга пухта тайёргарлик қўймоқда. Бундай маънавий-маърифий тадбирлар қаҳрамонимизнинг навбатдаги фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида қатнашиш ва голиб бўлишига замин яратади.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**  
«Postda» муҳбири.

*Хоразм вилояти.*

**Муаллиф олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари- га 2021/2022-ўқув йили учун ўқишга танлов

### ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқишга кириш истагини билдирган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги туман (шаҳар) мактабларида 9-синфни тамомлаётган (ўғил, қиз) номзодлардан танлов асосида ўқишга қабул қилинади.

Номзодлардан ўзининг доимий яшаш жойидаги қабул комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари Кадрлар бошқармаларида **2021 йилнинг 1 февралидан 15 апрелига** қадар аризалар қабул қилинади.

Белгиланган муддатдан кеч қолган номзодларнинг аризалари қабул қилинмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси**

## ҲАР БАЙТИДА БИР ОЛАМ МАЪНО МУЖАССАМ

Буюк шоир ва мутафак-кир Алишер Навоий та-валлудининг 580 йиллиги муносабати билан юрти-мизнинг барча ҳудудларида илмий анжуманлар, адабий кечалар, мушоиралар ўтказилди.

Хусусан, улуғ шоир ижодини ходимлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида Навоий вилояти ИИБ Кадрлар бошқармаси томонидан қатор маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, вилоят ИИБнинг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмаларида хизмат қилаётган ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари ўртасида «Навоий ғазаллари шайдосиман» кўрик-танлови ўтказилди.

Мазкур кўрик-танлов низоми талабларига асосан, ҳар бир қатнашичи оила аъзолари Навоий қаламига мансуб ғазал ва рубоийларни ифодали, ёддан ўқишлари, видеоролик тарзида тадбир ташкилотчиларига етказиши белгиланган эди. Тадбир доирасида 100 дан ортиқ видеоролик тақдим этилди. Танлов якуниларига кўра Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси тергов фаолиятини ташкиллаштириш бўлими терговчиси, катта лейтенант Шоҳруҳ



Абдусаломов фахри 1-ўринни, 4-сон ЖИЭК тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, катта лейтенант Обиджон Эсонов 2-ўринни ҳамда Ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант Уктам Усмонов 3-ўринни қўлга киритди. Голиблар диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Жорий йилнинг 6 февраль кuni вилоят ИИБ ҳамда ИИБ Навоий академик лицейи ҳамкорлигида Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази»да ўтказилган «Навоийхонлик кечаси» маърифий тадбирларнинг узвий давоми бўлди. Ҳассос шоирнинг соҳа ходимлари ҳамда лицей ўқувчилари томонидан ўқилган ғазаллари, ижодини тараннум этувчи куй ва кўшиқлар, «Хам-

са» дostonи парчалари асосида яратилган сахна кўринишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Тадбир якунида фаол иштирок этган ўқувчи-ёшлар бошқарма раҳбарияти томонидан ташаккурнома ва китоблар жамланмаси билан тақдирланди.

Навоийнинг ҳар бир байтида олам-олам маъно мужассам. Зеро, шоир асарларини ўқиш китобхонга чексиз завқ-шавқ бағишлайди, уни маърифат сари етаклайди. Ёшларни буюк бобокалонимизга хурмат руҳида тарбиялаш, унинг бой ижодий меросини янада кенгроқ ўрганишга қаратилган маърифий тадбирлар вилоятимиз бўйлаб бўлиб ўтди.


**Сарвиноз ДУШАНОВА,**  
капитан.

*Навоий вилояти.*



ЁШЛАР ОРАСИДА ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАРҚАТИЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ОЙЛИГИ

– Гиёхвандлик вақтинча эйфорик кайфият (вақтичоллик) пайдо этиб, ўз домига ботқоққа тортгандай тортиб кетгучи салбий иллатдир, – дейди ИИВ Тиббиёт бошқармаси бош мутахассис шифокори, психиатр-нарколог, майор Улуғбек Худойбердиев. – Гиёхвандлик воситаларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Аммо ҳамма турларининг умумий белгилари моддага тез ўрганиш, жисмоний ва руҳий мойиллик ҳамда абстинент (хумор) ҳолати ривожланишидан иборат.



ҚОРА ИЛЛАТЛАР ҲАҚИДА

Ҳамма наркотиклар ҳам шахснинг руҳий ҳолатини ўзгартириб юборади. Беморда паришонхотирлик, сабабсиз кулги, сергаплик намоён бўлади. Айрим наркотиклар қарахлик, кўриш галлюцинацияларини, баъзан товуш галлюцинациялари ва васваса ҳолатини, таховузкорликка мойилликни келтириб чиқаради. Бу агрессив ҳолат гиёхвандликка мубтало бўлган бемор шахсни ижтимоий хавfli қилиб қўяди. Унда ички аъзолар хасталиклари ривожланади. Ёшига нисбатан катта кўринади, териси сиражин, саргимтир ёки кулранг тусга қиради. Сочи ва тишлари тўкилади, томирга олган инъекцияларидан терида ёқимсиз чандиқлар қолади.

Наркотикларни узоқ вақт истеъмол қилганда шахс борган сари инқирозга учрайди, яқинларига, атрофидагиларга бепарқ бўлиб қолади, ақл-идроки пасаяди. Бундай инсонлар яхши хулқ ва одатларини йўқотади, тез-тез хавfli ҳаракатлар содир этади. Дозасини юқори қилиб юборганида, абстинент (хумор) ҳолатида эса – юрак қон-томир етишмовчилигидан вафот этиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Энг ёмони, улар ОИТС инфекциясининг асосий тарқатувчилари ҳисобланади. Айнан шу хасталиқдан кўпчилиги вафот этади. Гиёхвандлик воситалари инсон организмни, марказий асаб тизимини, шахснинг кайфиятини ва ҳаракатини, юриш-туришини

ўзгартиради. Уни истеъмол қилиш инсон ҳаёти ва унинг зурриёдига салбий таъсир қилади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда аср вабосига айланиб бораётган гиёхвандлик иллати дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Айниқса, айрим ёшларнинг бу иллат домига тушиб қолаётгани ҳар бир инсонни янада ҳушёрликка чорлайди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси ИИВ бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан бирга ҳар йили анъ-

олиб келиши мумкинлиги тушунтирилади.

– Мазкур тадбирни самарали ўтказиш мақсадидан вазирлик ЖҚББ Гиёхвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бошқармаси томонидан комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, – дейди ИИВ ЖҚББ ўмиб

таҳт аҳолиси ва меҳмонлари билан Тошкент шаҳар ИИББ жиноят қидирув хизмати ходимлари суҳбатлар ўтказмоқда. Хо-




– Эртамиз эгаларининг қомил инсон бўлиб шаклланишида оиладаги муҳит муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, ора-мизда ўз фарзанди тарбияси билан жиддий шуғулланишни унутиб қўйган айрим ота-оналар ҳам учраб туради. Натижада, назоратсиз қолган баъзи ёшларимиз гиёхвандлик кўчасига кириб қолаётгани эса ачинарлидир, – дейди пойтахтимизнинг Учтепа тумани «Қози гузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муборак Умархўжаева. – Ота-она бола учун ибрат намунасидир. Халқимиз орасида «Қуш уясида кўрганини қилади», деган мақол беҳиз айтилмаган. – Ота-она одоб-ахлоқи, юриш-туриши ва ўзаро муносабатлари орқали боласининг шахси шаклланади, ривожланади. Таълим-тарбияда яхши натижаларга эришиш учун мактаб, оила, маҳалла йўнглини таъминлаш зарур.

«Оила – мактаб – маҳалла» ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, фарзандларимизни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида қамолга етказиш, уларни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини манзилли ташкил этиши миз лозим. Миллий қадрият ва урф-одатларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳеч бир замонда пасаймайди.

Афсуски, дунёқараши эндигина шаклланиб бораётган, бор куч-ғайратини фақат билим олишга, изланишга, ҳунар ўрганишга сарфлаши керак бўлган бир пайтда, ўсмирларни алдов йўли билан гиёхвандлик тузоғига илинтираётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Вояга етаётган фарзандларимиз ўтмиши қадим, тупроғи олтин, осмони мусаффо Ўзбекистоннинг келажак ворисларидир. Уларни шундай соғлом муҳитда, эзгу тушунчаларни юракларига жойлаб вояга етказайликки, токи ҳеч қандай ташки салбий хуружлар ва қора иллатлар ўпқони уларни ўз домига торта олмасин.

Адолат ФАЙЗИЕВА,  
«Postda» муҳбири.



анавий тарзда 1 февралдан 1 мартгача «Ёшлар орасида гиёхвандлик воситаларининг тарқатилишига қарши курашиш ойлиги» ўтказилади. Ойлик давомида барча таълим даргоҳларида, ёшлар фаолият кўрсатаётган қорхона ва ташкилотларда ички ишлар органлари ходимлари томонидан гиёхвандликнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади. Маъруза, семинар, анжуманлар ва кўргазмалари воситалар ёрдамида «захри қотил»нинг қандай аянчли оқибатларга

текор вакили, подполковник Умид Раупов. – Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимизда наркотик воситаларини тарқатиш, сотиш ва истеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ёшлар орасида наркотик моддаларнинг зарари ва оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдир. Зеро, гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишнинг ортиси биринчи ўринда оғир касалликлар ва жиноятлар содир этилишининг кўпайишига олиб келади.

Вазирлик ЖҚББ томонидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда аҳолининг барча ёшдаги қатлами орасида профилактик таъсир чорасини кўриш мақсадидан 3 қисмдан иборат бўлган «Ўзини йўқотганлар» номли видеофильм тайёрланди.

Ойлик доирасида турли акциялар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, профилактика инспекторлари, ППХ ва ИПХ инспекторлари ҳамда Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари билан биргаликда пой-





## ЗДОРОВЬЕ

## ВКУСНО И ПОЛЕЗНО

Вопреки известной поговорке, обед больше не предлагают делить с другом. При четырехразовом питании на него должно приходиться 40–50 % от общей энергетической ценности, полученной за день, при трехразовом – 45–50 %. Важен также баланс белков, жиров и углеводов. Всемирная организация здравоохранения рекомендует, чтобы жиры составляли не более 30 % рациона. Иначе есть риск набрать вес и получить сопутствующие этому заболевания: диабет, проблемы с сердечно-сосудистой системой и суставами. Также рекомендуется включать в каждый прием пищи фрукты и овощи, меньше солить еду.

В заведениях общепита, где обычно обедают офисные работники, рекомендации медиков выполняются нечасто. Обеспечить себя здоровым и полезным обедом можно, если позаботиться о нем заранее и приготовить дома. На вооружение можно взять несколько вариантов.

## Салат

Это блюдо хорошо тем, что его можно есть холодным. При приготовлении салатов не так сложно соблюсти баланс жиров и белков. С углеводами сложнее, но их недостаток легко восполнить куском хлеба. Учитывайте следующие аспекты.

- Берите нежирное мясо. Иначе жир будет неаппетитно застывать, от чего трудно избавиться без термической обработки.

- Ингредиенты можно заменять похожими. Замените курицу грудку на говядину, орехи – на семечки подсолнечника или тыквы.

- После добавления соли овощи начинают выделять сок, поэтому солить салат также лучше в офисе.

- Салат из овощей – блюдо не очень сытное, хотя и объемное. В зависимости от аппетита порцию можно увеличить в 2–3 раза.



## САЛАТ С МЯСОМ И ОВОЩАМИ

## Ингредиенты:

- 200 г филе курицы (можно взять говядину);
- несколько листов салата;
- 1 томат;
- 2 столовые ложки консервированной кукурузы;
- 2 столовые ложки растительного масла;
- 1 столовая ложка соевого соуса.

## Приготовление

Мясо нарежьте кубиками со стороной 1–1,5 см. Выложите мясо, обжарьте до готовности, остудите. Салат порвите руками на небольшие кусочки, помидоры нарежьте, выложите в контейнер. Добавьте кукурузу, холодное мясо. Для заправки смешайте ложку масла и ложку соевого соуса.


## С ПТИЦЕЙ И РЕДИСОМ

## Ингредиенты:

- 200 г филе курицы или утки без кожи;
- 2 яйца;
- 6 редисок;
- 1 огурец;
- 2 столовые ложки растительного масла;
- 1 столовая ложка неострой горчицы.

## Приготовление

Мясо нарежьте на кусочки и обжарьте до золотистой корочки на одной столовой ложке масла. Яйца отварите вкрутую, мелко нарежьте. Редис и огурец нарежьте на ломтики. Для заправки смешайте ложку масла и горчицу.



## ФАСОЛЬ С МЯСОМ

## Ингредиенты:

- 200 г курицы или говядины;
- 100 г фасоли;
- 70 г томатов;
- 1 столовая ложка растительного масла.

## Приготовление

Мясо нарежьте кусочками и обжарьте до готовности. Фасоль замочите в воде как минимум на час, лучше на ночь. Варите, пока фасоль не станет мягкой, а вода не выпарится почти полностью. Приправьте фасоль, посолите и залейте тушеными томатами. В контейнер положите фасоль и мясо, перемешайте.

## С ПАСТОЙ

## Ингредиенты:

- 50 г мелких макаронных изделий;
- 70 г сыра;
- 100 г помидоров черри;
- 3–4 листа базилика;
- 2 столовые ложки масла;
- 1 столовая ложка бальзамического уксуса.



## Приготовление

Макаронные изделия отварите до состояния аль денте (варите на пару минут меньше времени, указанного на упаковке), остудите. Помидоры разрежьте пополам. Сыр натрите на терке. Смешайте макароны, сыр и томаты в контейнере. Листья базилика обычно кладут целиком – так красивее. Но есть салат будет удобнее, если их не очень мелко порезать. Для заправки смешайте масло и бальзамический уксус.

## 5 СПЕЦИЙ, КОТОРЫЕ СТОИТ ДОБАВЛЯТЬ В БЛЮДА

Роль приправ в кулинарии часто недооценивается: они хороши не только для придания блюдам остроты, кислинки или пикантности, но и для усиления полезных свойств продуктов. Царица укрепляющих здоровье приправ, конечно, куркума, однако на ней список не заканчивается.



## Зира

Известна уже достаточно длительное время. При регулярном употреблении пряности улучшается работа пищеварительной системы, активизируется процесс очистки организма от шлаков и токсинов. Специя также положительно сказывается на состоянии крови, что важно для людей с анемией. Зира является прекрасной профилактикой заболеваний сердечно-сосудистой системы, так как она противостоит образованию тромбов, что значительно снижает риск развития инфарктов.

Чаще всего семена зиры добавляются в блюда из мяса. И, конечно же,

настоящий восточный плов просто немыслим без этой приправы.

## Гвоздика

Она содержит витамины А, С, Е, К, почти все витамины группы В, а также омега-3 и 6, железо, магний и марганец. В народной медицине эту пряность считают лечебной: она



обладает бактерицидным и противогрибковым свойствами. Гвоздику можно добавлять в чай и кофе, бульоны, использовать для приготовления мясных блюд.

## Кинза (кашнич)

Очень полезна для работы сердечно-сосудистой системы и пищеварительного тракта, обладает желчегонным, антисептическим, бо-



леутоляющим свойствами при язвах желудка и гастритах. Полезна она и при пониженном аппетите.

Отличная приправа для салатов, супов, мясных и рыбных блюд. Она прекрасно сочетается со всеми продуктами и придает насыщенный вкус и ни с чем не сравнимый аромат блюдам.

## Черный перец

Необычайно богат витаминами и минералами. В нем содержатся витамины А, С, Е, К, РР, витамины группы В, фолиевая и пантотеновая



кислоты, кальций, цинк, медь, железо, калий, селен, марганец и фтор. Стоит сказать, что это единственная специя с высоким содержанием растительного белка. Он оказывает противовоспалительное и антибактериальное действие, стимулирует иммунитет и нормализует кровяное давление.

## Имбирь

Давно прославился как иммуностимулирующий продукт. В периоды эпидемии гриппа и ОРВИ многие



добавляют его в чай или другие напитки. Имбирь содержит большое количество магния, который помогает выводить токсины из организма. При простуде он снижает заложенность носа и активизирует иммунитет благодаря высокому содержанию витамина С и витаминов группы В. Добавляйте имбирь в выпечку, мясные и овощные блюда, в чай, соки, смузи.



К 580-ЛЕТИЮ НАВОИ

## ДАНЬ УВАЖЕНИЯ ВЕЛИКОМУ ПОЭТУ



Бесценное творческое и научное наследие великого поэта и мыслителя, известного государственного и общественного деятеля, султана слова Низамидин Мир Алишера Навои имеет огромное значение не только в истории нашего народа, но и в истории мировой литературы. Своими поэтическими и прозаическими произведениями, в которых более чем ста тысячи байт, великий поэт занял достойное и прочное место в сердцах миллионов читателей по всему миру, показав уникальные идеи, несравненное богатство слов и безграничные литературные возможности.

Ежегодно, 9 февраля, в качестве праздника литературы и просвещения стало традицией отмечать день рождения поэта. В Сырдарьинском академическом лицее по случаю этой даты было организовано духовно-просветительское мероприятие.

Празднично оформленный актовый зал наполнился поклонниками творчества поэта. В мероприятии приняли участие сотрудники Информационно-

но-библиотечного центра, деятели искусства отдела культуры Сырдарьинского района, представители войсковой части № 9252 пограничных войск СГБ.

Открывая мероприятие, директор лицея майор Гайрат Абдуллаев рассказал о важности творчества Алишера Навои, его роли в мировой цивилизации, декламируя отрывок из газели поэта.

Во время литературного вечера учащиеся читали газели и рубайи, пели песни и танцевали под классические мелодии. Сцены из жизни поэта, мастерски исполненные юными артистами, произвели на зрителей огромное впечатление. Особую атмосферу вечера придали песни в исполнении сотрудников райотдела культуры. Выступления педагогов лицея Баходира Кахарова и Мавжуды Умматовой

были встречены лицеистами с большим интересом и аплодисментами.

Стоит отметить, что такие мероприятия играют важную роль в воспитании у подрастающего поколения чувства уважения к нашим великим предкам и повышения интереса к творчеству поэта.

Азиза ЖАНИЕВА,  
корреспондент «На посту».

### К ДНЮ РОЖДЕНИЯ БАБУРА

## ИНТЕРЕСНЫЕ ФАКТЫ О ЖИЗНИ И ТВОРЧЕСТВЕ

Захириддин Мухаммад Бабур – наш великий предок – полководец, политик, поэт. 47 лет его насыщенной и яркой жизни оставили колоссальный след в истории и литературе.



**Бабур, значит «тигр»**

«Бабур» означает «лев, полководец, барс», с персидского – «тигр». Он был талантливым военачальником, обладал воинской доблестью и смекалкой. Его имя отражает отвагу и стойкость.


**Незаурядный поэтический талант**

Лирические произведения – это песнь человеческой красоты и любви. В своих произведениях воспевают настоящую, честную, преданную личность, возвеличивает человека справедливого и достойного.

Свои чувства он описывает так тонко и изящно, что, вчитываясь в его строки, складывается понимание о невероятно глубокой натуре гения.

**Вел переписку с Алишером Навои**

Бабур обменивался письмами со многими именитыми поэтами и писателями своего времени. Однажды он отправил свои стихи великому Алишеру Навои и получил одобрительные комментарии по своему творчеству. Позже в «Бабур-наме» он писал о Навои, как человеке бесподобном, называл его покровителем людей науки и искусства.



**Имеет прямое отношение к «Тадж-Махалу»**

Знаменитый символ Индии – мечеть-мавзолей «Тадж-Махал» был построен правнуком Бабура, Шах-Джаханом, в XVII веке. Он обессмертил свое имя, построив этот величественный памятник, который ассоциируется с династией Бабуридов.

**Бесценный литературный памятник «Бабур-наме»**

Этот труд по праву называют «лучшим произведением тюркской прозы». Книга – не просто сводка исторических хроник.



Произведение посвящено описанию деятельности Бабура, его военных походов, изложению перипетий насыщенной жизни. Она также содер-

жит ценнейшие записи об истории и географии покоренных народов. К настоящему времени «Бабур-наме» переведен на 31 язык мира.

**Дочь Бабура – Гульбадан-Бегим**

Гульбадан-Бегим – младшая дочь великого поэта и полководца и единственная женщина-историк на му-

сульманском Востоке. Ее произведение «Хумаюн-наме» содержит важный материал по истории своего времени, а также воспоминания о знаменитом отце.

**Мемориальный парк в Андижане**

В Андижане есть площадь имени Бабура. На ней, на высоком постаменте установлен монумент из красного гранита. А в семи километрах к юго-востоку от Андижана расположен Мемориальный парк, который был открыт в 1993 году. В том году из Кабула, где был похоронен наш великий предок, привезли горстку земли. В ознаменование этого был разбит парк. Теперь поклонники творчества великого поэта могут прийти сюда, чтобы отдать дань его гению.





## БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

«Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий намунаси.  
У мард ва табиркор одам бўлган.

Бобур ўта маданиятли ва жозибали инсонлар орасида энг етуқ инсонлардан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йироқ эди...  
Бобур санъат ва, айниқса, адабиётни севарди».

Жавоҳарлаъл НЕРУ.

# ШОҲ ВА ШОИР

Заҳриддин Муҳаммад Бобур — буюк шоир, мутафаккир, тарихшунос ва давлат арбоби, Бобурийлар сулоласи ва салтанати асосчиси.

Заҳриддин Бобур 1483 йил 14 февраль куни Андижонда таваллуд топган, Фарғона ҳукмдорининг ўғли, Амир Темурунинг эвараси. Бобур 1494 йил Фарғона ҳокими бўлади, 1526 йил Ҳиндистонда марказлашган бобурийлар давлатига асос солиб, ушбу сулола вакиллари Ҳиндистонда (1848) йилгача ҳукмронлик қилган. Бобур 1530 йил 26 декабрь куни Агра шаҳрида вафот этган.

Бобурнинг шеърӣй мероси кўпқиррали ва бой. Насрий асарлари (1519) «Қобул девони»га, (1529–1530) «Ҳинд девони»га жамланган. Унинг «Бобурнома» асари буюк теуирийлар тарихи (1494–1529), буюк ҳокимият яратилишидан сўзлайди.

## Букилмас ирода — буюк ғалаба



Бобур буюк саркарда сифатида ўзининг 12 минг аскар кўшини билан Дехли султони Иброҳим Лўдийнинг 100 минг жангчи ва жанговар филлардан иборат кўшини устидан ғалаба қозониб тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирган.

Ҳинд кўшини тартибсиз тарзда жангни бошлаган. Бобур барангор ва жувонғори тўлғама усули билан ғанимининг орт томониға ўтиб унга кучли зарбалар берган. Иброҳим Лўдий асосий кучлари ва жанговар филлар билан марказға ҳамла қилган. Шунда Бобур ҳўкизларнинг хом терисидан эшилган арқонлар билан бир-бириға маҳкам боғланган 700 та арава ва улар орасиға ўрнатилган туроқалқонлар паноҳида турган туфакандозларни жангға ташлайди. Туфак ва замбарак ўқларидан ярадор бўлган филлар чекиниб, устларидан филбонларни йиқитиб, пиёдаларни янчиб ўтади, хиндлар саросимаға тушиб қочишға тушди. Бу жангға Султон Иброҳим Лўдий ва унинг таҳминан 50 минг ҳинд жангчиси ҳалок бўлган. Бобур Дехли ва Аграи забт этиб, Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар давлатиға асос солган.

«Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатға муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурға тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди».

Уильям ЭРСКИН,  
«Бобурнома» таржимони.



## Соҳибкор шоҳ

Бобур 1514 йили Одинапур кўргони жанубида (Қобул вилояти) «Боғи вафо» деган катта боғ яратади. Уша йили Пахор Хонни энгиб, Лахор ва Диболпур шаҳарларини эгаллайди ва у ерлардан банан келтириб, «Боғи вафо»ға эктиради. Бананлар яхши ҳосил беради. Ундан бир йил аввал шу боғға шакарқамиш келтириб эктирган эди. У ҳам яхши ўсади. Шундан сўнг шакарқамишни Бухоро ва Бадахшонға юборади. Уша пайтлар Бадахшон ва Бухоро мамлакати кенгликлари Денов ва Сароисиё худудларида бир-бириға туташ бўлган. Шунинг учун ҳам Денов ва Сароисиёнинг табиий шакарқамишзорлари шўролар давригача сақланиб қолганди. Собик империя даврида бу ерларда шакарқамиш ҳўжалиги ташкил этилиб, унинг хомашёсидан Самарқанд вино заводида ром ишлаб чиқариларди. Демак, биз Ўзбекистоннинг жанубий туманларида ўсувчи шакарқамиш XVI асрда дастлаб Бобур томонидан интродукция қилингани учун буюк ватандошимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Гулноза ТУРҒУНБОВА тайёрлади.

«Бобур феъли-сажиясига кўра Цезарға қараганда севишға аригуликдир. Унинг манглайиға юксак фазилатли инсон деб битиб кўйилган».

Эдуард ХОЛДЕН,  
инглиз тарихчиси.

## «Фаранги»

Заҳриддин Бобур ҳарбий қуролни янада такомиллаштириш, «фаранги» отиш устида ўйлай бошлайди. «Фаранги», бугунги ибора билан айтганда, ўқ отар тўп бўлиб, биринчи марта Бобур томонидан ҳинд муҳорабасида қўлланилган. Бундан олдин ҳам бу қуролнинг соддароқ нусхасидан фойдаланилган.

1525 йил воқеалари баёнидан бошлаб, «Бобурнома» саҳифаларида Устод Алиқули — ҳарбий тўп ясовчи уста номи тез-тез келади: «Устод Алиқули ҳам ғулнинг олдидин неча қатла яхши фарангилар отти. Мустафо тўпчи ҳам ғулнинг сўл кўлидин ароба устидаги зарбанлар била яхши зарбанлар отти». Мазкур парчадаги бир жиҳатға эътибор берайлик: Бобур ҳарбий аслаҳалари қаториға энди аробаларға ўрнатилган зарбан қурол ҳам қўшилган.



Туфанг, тўп, зарбанларнинг душман аскарларини ваҳима солгани Бобурда янги ғояларни амалға ошириш иштиёқини туғдиради ва бу ишнинг устаси Устод Алиқули билан бирға мутлақо янги қурол — артиллерия аслаҳасининг илк намунасини яратишға киришади. Бобурнинг бу ишни охириға етказгунға қадар сабр-бардош, чидам, узлуқсиз изланиш олиб боргани ғоят ибратлидир.

Postda  
на осты

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir —

polkovnik  
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari —

mayor Azizjon FAYZIYEV  
katta leytenant  
Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar —

Jahongir SHAROFBOYEV  
Erkin SATTOROV

Navbatchilar —

Foziljon MAMASHARIPOV  
Dinara SHAMUXAMEDOVA

Sahifalovchilar —

Ilim JUMANOV  
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari  
bo'yicha:

71-231-38-74;

97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



9 772010 535001

Tahririyat

hisob raqami

20210000900447980001.

Bank kodi 00420.

ATIB

«Ipotekabank»ning

Mirobod

filiali.

STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'l-yozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda mamba ko'rsatilishi shart. Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adinistratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma №V-4550.

Bosilish — ofset usulida.

Bichimi — A3. Hajmi — 6 bosma taboq. 52 763 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda — 180.

Tashkilotlar uchun — 366.

Bosishga topshirish vaqti — 22.00.

Bosishga topshirildi — 21.00.

Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,  
Shota Rustaveli 1-berk  
ko'chasi 9-uy.